

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

3/2018

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Баходир ДЕХҚАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Нематжон АКБАРОВ
Шахноза АХАТОВА
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ
Азиз МИРЗАЕВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўлёзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» — «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича ғолиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк»
Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: Os_odilsudlov@mail.ru

Email: Jurnal@exat.uz

Босишга 2018 йил 16 мартда рухсат этилди. Қоғоз бичими 70X108 1/16. 7,5 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма — Нашр адади 6450 нусха.

ИНДЕКС:
якка тартибдаги обуначилар
учун — 908;
ташкilotлар учун — 909.

Босмахона манзили:
Ғафур Ғулом номидаги наشريёт-
матбаа ижодий уйи. 100128, Тошкент
шаҳри, Лабзак кўчаси, 86-уй

МУНДАРИЖА

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори.....3

ОЛИЙ СУД ҚАРОРЛАРИ.....17

ОЛИЙ СУД ФАОЛИЯТИДАН

М. Эргашев. Ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум.....23

ФАРМОН ВА ИЖРО

А. Маххамов. Афв этиш тўғрисидаги Фармон: бағрикенглик, кечиримлилик ва инсонпарварлик тимсоли.....26

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

З. Файзиев. Суриштирув институтининг такомиллашуви.....29

Б. Сайфуллаев, Ш. Назаров. Хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашнинг аҳамияти.....31

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

Х. Камолов. Суд ҳукмини текшириш, бекор қилиш ва ўзгартириш асослари.....36

Б. Исламов. Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва уни муддатидан илгари олиб ташлаш тартиби.....41

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ғ. Воҳидов. Жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарни ундириш.....45

ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

А. Дадабаев. Мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари.....49

СУД ОЧЕРКИ

З. Камолов, Н. Элмирзаева. Афсун билан бахт қайтмайди.....52

Н. Раҳмонова. Жазо муддати эмас, уни қандай ўташ муҳим.....55

21 МАРТ — НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

С. Содикова. Наврўз – Юнеско томонидан инсониятнинг номоддий маданий меросига киритилган.....58

АДАБИЁТ — МАЪНАВИЯТ АСОСИ

Шоира Ҳасан қизи. Шеърлар.....59


ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ АДАБИЁТЛАР

Ж. Бадалов. «Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби», «Кўчмас мулк ва мулк ҳуқуқи».....60-61

ТАДБИРКОР ВА ҲУҚУҚ.....62

ТАБРИКЛАЙМИЗ.....64

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....118



ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ*

ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

2017 йил 29 ноябрь

№ 44

Тошкент шаҳри

Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга оширишга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиётида вужудга келган масалалар ва фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасига биноан ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни талабларининг оғишмай бажарилиши фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган конституциявий ҳуқуқларининг кафолати ҳисобланади.

2. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишларини кўришда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсиясини ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 22 февралдаги 46-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тўғрисида»ги Йўриқнома, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан

2016 йил 26 октябрда 2835-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома ва ушбу соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари қўлланиши лозим.

3. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида» 1993 йил 3 сентябрдаги 939-ХП-сонли Қарорига мувофиқ Қонун татбиқ этилгунга қадар амалда бўлган:

пенсиялар тайинлашда ва пенсияларни қайта ҳисоблашда иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш учун тузатиш коэффициентларини қўллаш;

илгари амалда бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарарли ва меҳнат шароити оғир ишларда Қонун амалга киритилгунга қадар ишлаган шахсларнинг ёшига қараб имтиёзли пенсия билан таъминланиш тартиби сақлаб қолинган.

4. Судларга тушунтирилсинки, Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ пенсияларни тайинлаш ва тўлаш, шунингдек фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси деб юритилади) томонидан амалга оширилиб, уларнинг қарорлари, мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси юқори турувчи органларининг фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ қарорлари, мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ҳам судга шикоят қилиниши мумкин.

5. Давлат пенсия таъминотига оид ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ қуйидаги ишлар судда кўрилиши мумкин:

иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, меҳнат фаолияти даврларини белгилаш ҳақидаги;

иш стажини тасдиқловчи ҳужжатнинг тегишлилик фактини белгилаш ҳақидаги;

иш ўринларининг аттестация қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлик фактини белгилаш ҳақидаги;

фаолиятнинг суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги асоси бўйича Пенсия жамғармасининг пенсия тайинлаш бўйича комиссиясининг фаолият даврларини меҳнат стажига қўшишни рад этиш ҳақидаги қарорлари устидан шикоят бериш;

Пенсия жамғармасининг пенсия тайинлаш бўйича комиссиясининг пенсия тайинлашни рад этиш, пенсияни бир турдан бошқа турга ўтказишни рад этиш, пенсиядан чегирмалар қилиш тўғрисидаги қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги.

Судлар шуни назарда тутиши лозимки, ушбу рўйхат тугал ҳисобланмайди ва аризани иш юритувига қабул қилиш масаласини ҳал қилиш вақтида ҳар қандай ҳуқуқ бузилиши суд орқали тикланиши мумкинлигидан, шунингдек фуқароларнинг шахсий,

мулкӣ ҳуқуқларининг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши билан боғлиқ ҳар қандай факт белгиланиши мумкинлигидан келиб чиқиш лозим.

Судлар шуни назарда тутиши лозимки, иш ҳақи миқдори ҳамда суғурта бадалли тўланганлиги тегишли ҳужжатлар (штант жадвали, тўлов ведомости, тўлов топшириқномаси ва бошқалар) билан тасдиқланиши сабабли бундай юридик фактларни суд томонидан белгилашга йўл қўйилмайди.

6. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 31-моддасига мувофиқ юридик фактларни белгилаш ҳақидаги аризалар, шунингдек пенсия олиш билан боғлиқ ҳуқуқни амалга ошириш ҳақидаги даъво аризалар фуқаролик ишлари бўйича судларга, Пенсия жамғармаси органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)га нисбатан шикоятлар эса, маъмурий судларга тааллуқлидир.

Ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда касб касаллигига учраганлиги ёки меҳнатда майибланганлиги оқибатидаги ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлиги учун, шунингдек ёшга доир пенсия ёшига тўлгунга қадар Қонунни 12-моддасининг «б» бандига мувофиқ тайинланган пенсияларни корхона ва ташкилотлардан регресс тартибда ундириш тўғрисидаги даъволар иқтисодий судларга тааллуқлидир.

7. Судлар назарда тутиши лозимки, Қонунда қуйидаги давлат пенсия турлари белгиланган:

- ёшга доир пенсия;
- ногиронлик пенсияси;
- боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

Пенсия турлари бир-биридан вужудга келиш вақти ва асослари билан фарқланиши ва бу ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги сабабли, судлар пенсия таъминотида бўлган ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ ишларни кўришда фуқаро даъво қилаётган пенсия тури ва пенсия тайинлаш ҳуқуқининг вужудга келганлик асосларини аниқ белгилаши талаб этилади.

8. Судларга тушунтирилсинки, Қонуннинг 37-моддасига асосан, ёшга доир умумий асосларга кўра пенсия тайинлаш учун фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса, иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, ёшга доир пенсиядан фарқли равишда меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари, меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида боқувчисини йўқотганлик учун пенсия тайинлашда иш стажининг давомийлиги юридик аҳамиятга эга эмас. Иш стажининг давомийлиги 20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилганидан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсия тайинлашда ҳам аҳамиятга эга бўлмайди. Қонунни 1-моддасининг тўртинчи қисмига асосан, иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари ушбу Қонунга биноан давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмаслиги қайд этилганлиги сабабли, иш стажининг давомийлиги эмас, балки мавжуд ёки мавжуд

эмаслиги аҳамият касб этади. Бундай шахсларнинг ижтимоий таъминланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сонли қарори билан тасдиқланган «Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади.

Умумий касаллик туфайли ногиронлик пенсияси, шунингдек умумий касаллик оқибатида боқувчисини йўқотган шахсларга пенсия ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик туфайли вужудга келган вақтда Қонуннинг 17-моддаси билан белгиланган иш стажидан мавжуд бўлган тақдирда тайинланади.

Етарли миқдорда иш стажига эга бўлмаган (Қонуннинг 17-моддаси) умумий касаллик оқибатидаги I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади, ногиронлик пенсияси тайинлаш учун етарли миқдорда иш стажига эга бўлмаган умумий касаллик оқибатида вафот этган боқувчисини йўқотган оила аъзоларига эса, пенсия боқувчининг бор стажига мутаносиб миқдорда тайинланади.

Боқувчисини йўқотганлик учун пенсияга бўлган ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ низоларни кўришда судлар Қонуннинг 19-моддасида белгиланган, боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасидан келиб чиқиши лозим.

9. Судлар назарда тутиши лозимки, Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ходимга тўланадиган иш ҳақи шаклидаги даромадлардан ҳисобланади ва ушлаб қолинади (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 306-моддаси).

Пенсия жамғармасига ҳисобланган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотлар солиқ органларида шакллантирилган маълумотлар асосида аниқланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, судлар иш берувчининг ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари бўйича қарздорлиги мавжудлиги сабабли иш даврини стажга қўшмаганлик билан боғлиқ низоларни кўришда, бу ҳолат иш фаолияти даврини ходимнинг иш стажидан чиқариш учун асос бўлмаслигини инобатга олишлари лозим. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 282-моддасига асосан, барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилиниши лозим бўлиб, давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар иш берувчилар, шунингдек суғурталанган ходимларнинг ўзлари томонидан тўланади.

10. Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар - 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар - 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўлади.

Судлар шунинг назарда тутиши лозимки, пенсия ёшига етган ва етарли миқдорда иш стажига эга бўлмаган шахслар ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайдилар.

Пенсия ёшига етган ва етарли миқдорда иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсия Қонуннинг 37-моддаси биринчи қисмининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида 7 йил иш стажидан мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

11. Иш фаолиятининг муайян даврини ҳисобга олинадиган иш стажига қўшиш ёки қўшмаслик билан боғлиқ низоларни кўриш вақтида судлар Қонуннинг 37-моддаси

талабларидан келиб чиқиши лозим.

Хусусан, иш стажига:

а) фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоровий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан, яқка (гуруҳли) ижара ша-роитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон, фермер хўжаликларидаги фаолият, Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

д) I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;

е) олий таълим муассасаларида, аспирантурада, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтида, докторантурада, катта илмий ходим-изланувчилар институтида ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш;

ж) бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил;

з) офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршикларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат, ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

и) Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ва-зирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозим-ларга хизмат сафарига юборилган шахсларнинг хотини (эри) чет элда бўлган, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

Қайд этилган «д»-«и» кичик бандларида назарда тутилган даврлар ушбу банднинг «а»-«г» кичик бандларида кўрсатиб ўтилган умумий иш стажи камида 7 йил бўлган тақдирда, иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ногирон бўлиб қолган шахслар стажига ушбу «д»-«и» кичик бандларида назарда тутилган даврлар қайд этилган банднинг «а»-«г» кичик бандларида кўрсатиб ўтилган стаж муддатидан қатъи назар қўшилади.

Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлигида бўлинган вақт ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганида стажга қўшиб ҳисобланади. Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди.

Ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияси миқдорини ошириш ҳам ота, ҳам онанинг умумий иш стажига қараб, Қонунни 27-моддасининг «г» бандида кўрсатиб ўтилган миқдорларда амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 35-бандига мувофиқ 1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 115 ва 139-моддаларига асосан, жамоа хўжалигида ишланган вақтнинг амалда давом этган даври байрам кунларини ҳисобдан чиқарган ҳолда олти кунлик иш ҳафтасидан келиб чиқиб белгиланиши лозим.

Жамоа хўжалигида меҳнатда иштирок этганлик ҳолати қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланади:

меҳнатнинг ҳақиқий даври ва муайян йилда меҳнатда иштирок этиш минимуми кўрсатилган хўжалик аъзосининг меҳнат дафтарчаси;

хўжаликнинг ҳар бир аъзосига кадрлар бўлими томонидан меҳнатнинг ҳақиқий даври ва муайян йилда меҳнатда иштирок этиш минимуми тўғрисида маълумотлар акс эттирилган ҳолда юритилиши лозим бўлган шахсий карточка;

жамоа хўжалиги бошқарувининг ҳар йилда ўтказилиб келинган ва хўжалик аъзоларининг меҳнатда иштирок этиш минимуми белгиланган қарори.

Шу муносабат билан судлар шуни назарда тутиши лозимки, меҳнат стажини ҳисоблаш вақтида юқорида кўрсатилган икки асос мавжуд бўлган ҳолда жамоа хўжалиги бошқарувининг бундай қарори талаб этилиши ортиқча ҳисобланади.

Жамоа хўжалиги бошқарувининг меҳнатда иштирок этишнинг минимумини белгилувчи қарори мавжуд бўлмаган ҳолларда, судлар бир йил учун қабул қилинган қарорга мувофиқ, кейинги икки йил учун меҳнатда иштирок этиш минимуми фактини белгилашга ҳақлидир (масалан, 1980 йил учун бошқарув қарори мавжуд бўлганда, 1981-1982 йиллар учун меҳнатда иштирок этишнинг минимум факти белгиланади).

Судларга тушунтирилсинки, бундай факт муайян давр учун жамоа хўжалиги бир аъзосининг меҳнатда иштирок этишнинг минимуми кўрсатилган меҳнат дафтарчаси асосида, бошқасининг меҳнат дафтарчасида эса бундай маълумотлар кўрсатилмаган ҳолларда ҳам тасдиқланиши мумкин.

13. Ижодий фаолият билан машғул ходимнинг меҳнат фаолияти даврини иш стажига қўшмаслик билан боғлиқ низоларни кўришда судлар ижодий фаолият билан машғул бўлган ижодий уюшмалар аъзоларига 1991 йил 1 январгача иш стажи, агар ана шу муаллифнинг асари биринчи марта эълон қилинган ёки жамоат олдида ижро этилган (намойиш этилган) кундан эътиборан, 1991 йил 1 январдан бошлаб эса улар фақат Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари томонидан белгиланганидан келиб чиқиши лозим.

14. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан, якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, дехқон, фермер хўжаликларидаги фаолият даврини пенсия олишга ҳуқуқ берувчи иш стажига қўшиш билан боғлиқ низоларни кўришда судлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган

шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсиясини ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 22 февралдаги 46-сонли қарори талабларидан келиб чиқиши лозим.

Судлар шунинг назарда тутиши лозимки, суғурта бадаллари тўловчилари:

якка тадбиркорлар;

якка тадбиркорлар томонидан ёлланган шахслар;

оилавий тадбиркорлик субъектининг оила аъзолари;

деҳқон ва фермер хўжаликлари аъзолари;

шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган;

шахсий ёрдамчи хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик маҳсулотлари) етиштириш билан банд бўлган жисмоний шахслар ҳисобланади.

Бундай шахсларнинг меҳнат дафтарчаларига 2001 йилга қадар ёзувлар Пенсия жамғармасида мавжуд бўлган маълумотлар асосида, 2001 йилдан кейин эса солиқ органларининг суғурта бадаллари тўланганлиги ҳақидаги маълумотлари асосида киритилган. Бундай ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, меҳнат стажи Пенсия жамғармасида сақланадиган шахсий ҳисобга олиш варақаси асосида, шунингдек тадбиркорнинг Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадалларини ҳисобга олиш китобида белгиланиши лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, судлар шунга эътибор қаратиши лозимки, ушбу ҳужжатлардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд эмаслиги талаб қилинаётган меҳнат фаолияти даврини тасдиқлаш учун асос бўла олмайди, чунки конун ҳужжатларида суғурта бадаллари тўланганлик фактини гувоҳлар кўргазмаларига асосан тасдиқлаш тартиби назарда тутилмаган.

15. 1992 йил 13 мартдаги «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат иштирокчиларининг фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги Келишув» 6-моддасининг 2-бандига мувофиқ мазкур Келишув кучга киргунга қадар фуқаронинг барча давлат иштирокчиларининг ҳудудидаги иш даври Қонуннинг 37-моддаси талабларини қўлламаган ҳолда иш стажига қўшилади. Судлар бу Келишув Ўзбекистон Республикаси учун 1996 йил 18 июлдан кучга кирганлигини назарда тутиши лозим.

Чет элда ёлланган ҳолда ишлаган даврни иш стажига қўшмаслик билан боғлиқ низоларни кўришда судлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сонли қарори билан тасдиқланган «Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларини

қўллашлари талаб этилади.

Судларга тушунтирилсинки, меҳнат шартномаси (контракти) асосида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташки меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ёки фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий Бюролардан чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсатнома олган чет элда ёлланган ҳолда ишловчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан хорижий давлатларда ташкил этилган (очилган) савдо уйлари, ваколатхоналар (шу жумладан юридик шахс ташкил этмаган ҳолда), ташкилотларда ишловчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс ҳисобланади.

16. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 13-моддасига асосан, ушбу Кодексга мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслар солиқ агентлари ҳисобланади. Солиқ агентларига суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларни ҳисоблаб чиқариш тўғрисидаги учун жавобгарлик ҳам юклатилган.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ иш берувчиларнинг муайян тоифалари, хусусан, хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари (элчихона ёки миссиялар), консуллик муассасаларига (бош консуллик, консуллик, вице-консуллик ёки консуллик агентлиги) ёки Ўзбекистон Республикасидаги халқаро (ҳукуматлараро) ташкилотларга Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш бўйича мажбуриятлар юклатилмаган.

Судлар шуни назарда тутиши лозимки, қонун ҳужжатларига мувофиқ, суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш мажбурияти юклатилмаган иш берувчиларда ишлаган иш даврининг иш стажига қўшилмаганлиги билан боғлиқ низоларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 311-моддасининг саккизинчи қисми талабларидан келиб чиқиши талаб этилади, унга кўра, қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти зиммасига юклатилмаган иш берувчидан даромадлар олувчи жисмоний шахслар суғурта бадалларини жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар суммасидан келиб чиққан ҳолда, суғурта бадалларини тўлаш ҳақида жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган ариза асосида ихтиёрий равишда тўлайди.

17. Бола уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақтини иш стажига қўшмаслик билан боғлиқ низоларни кўриш вақтида судлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низоми 35-бандининг «ж» кичик банди, 66-банди талабларидан келиб чиқиши лозим бўлади.

Судларга тушунтирилсинки, юқорида кўрсатилган Низомга асосан, болани пар-

варишлаш таътилида бўлиш (шу жумладан, пули тўланадиган таътилда бўлиш) даври ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига кўшилмайди.

18. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, Қонуннинг 9—14-моддалари қоидаларига мувофиқ ходимларнинг алоҳида тоифаларига ёшга доир пенсия ёши кам бўлган, тегишли ҳолларда эса иш стажига кам бўлган ҳолда ҳам Қонуннинг 7-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ тайинланади.

Умумий белгиланган ёшга етгунга қадар ёшга доир пенсия тайинлашнинг шартларидан бири бўлиб, муддатидан илгари ёшга доир пенсия белгилаш учун асос бўладиган қонун билан белгиланган даврийликдаги иш стажининг мавжудлиги ҳисобланади.

Хусусан, Қонунга мувофиқ имтиёзли асосларда пенсиялар ёшидан қатъи назар муайян шахсларга пенсия ёши (10 йил, 5 йил ва 1 йилга) қисқартирилган ҳолда, лилипутлар ва паканаларга, шунингдек технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхона, муассаса, ташкилотнинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларга тегишли иш стажига эга бўлган ҳолларда, пенсия ёши 2 йилга қисқартирилган ҳолда, муддатидан илгари тайинланиши мумкин.

19. Имтиёзли равишда пенсия олиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатларга асосан фуқароларнинг алоҳида тоифалари эгадир.

Судлар Пенсия жамғармасининг имтиёзли шартларда пенсия тайинлашни рад этиши билан боғлиқ низоларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган Талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажига бўлганда, ёшидан қатъи назар, пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг Рўйхатларига асосланиши лозим бўлади.

20. Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилинганлиги тўғрисидаги далиллар мавжуд бўлмаганлиги сабабли меҳнат даврининг умумий пенсия ёшини қисқартирган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига кўшилмаганлиги билан боғлиқ низоларни кўриш вақтида судлар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси даврийлиги қонун ҳужжатларида белгиланадиган, бироқ беш йилда камида бир марта иш берувчи томонидан ўтказилишидан келиб чиқиши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 211-моддасига мувофиқ иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик айнан иш берувчига юклатилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, судлар зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик фактини белгилаш ҳақидаги ишларни кўриш вақтида, иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилмаганлиги ходимнинг айби эмаслигини инобатга олган ҳолда, бузилган ҳуқуқни тиклаш учун барча лозим бўлган чо-

раларни кўриб, шу жумладан, бошқа даврлар учун меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларининг аттестацияси ўтказилганлигини текшириши ва унинг натижасидан келиб чиқиши лозим.

Судлар шунинг назарда тутиши лозимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 59-моддасидан келиб чиққан ҳолда ишнинг характерини белгиловчи хусусиятларини (муайян шароитдаги ишлар) тасдиқловчи ва муддатидан илгари ёшга доир пенсия тайинланишига таъсир қиладиган далилларга гувоҳлар кўрсатмалари киритилмайди. Бу ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 56-моддасида кўрсатилган далиллар билан тасдиқланиши мумкин (масалан, буйруқлар, ҳисоб-китоблар, нарядлар, мансаб вазифалари ва ҳоказо).

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 28 ва 29-моддаларига асосан, меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъволар юзасидан судда эксперт сифатида иш юритишга ҳақлидир. Шунинг учун зарурат туғилган пайтда, бундай шахслар судда иштирок этиши ёки улардан кўрилатган иш бўйича хулоса олиш масаласини ҳал қилиш лозим.

21. Пенсия жамғармаси томонидан, фуқаронинг фикрига кўра, муддатидан илгари пенсия тайинлаш ҳуқуқини берадиган стажга қўшилиши лозим бўлган даврни бундай стажга қўшиш рад этилган ҳолларда, назарда тутмоқ лозимки, даъвогар томонидан бажарилаётган ишларнинг, у эгаллаб турган лавозимнинг, мавжуд касбнинг муддатидан илгари пенсия тайинлаш ҳуқуқини берадиган ишлар, лавозимлар, касбларга ўхшашлиги масаласи суд мажлисида аниқланган ҳар бир ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда (даъвогар томонидан бажарилаётган ишларнинг характери ва ўзига хослиги, амалга ошириш шароитлари, эгаллаб турган лавозими бўйича ёки мавжуд касб бўйича у томондан бажарилаётган функционал вазифалар, шунингдек у ишлаган корхона, муассаса, ташкилотлар фаолиятининг йўналишлари ва ҳоказо) аниқланади. Шу билан бирга, турли хил номланадиган ишлар, касблар, лавозимларнинг ўхшашлигини тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Шундан келиб чиқиб, зарур бўлган ҳолларда суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги вакилларини иштироки ёки уларнинг хулосасини олиш масаласини ҳал этиш лозим.

22. Имтиёзли стажни ҳисоблашда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган Талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда ёшидан қатъи назар, пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг Рўйхатлари;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 12 мартда 2337-сон билан рўйхатга олинган «Талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда ёшидан қатъи назар, пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассаса-

лар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома қўлланилади.

Судлар шуни назарда тутиши лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган имтиёзли шартлар асосида пенсия олиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқариш, корхона, ишлар, касблар, мансаблар ва кўрсаткичларнинг 1, 2, 3-сонли Рўйхатларидан чиқарилган касблар Пенсия жамғармаси бўлимининг ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия тайинлашни рад этиш билан боғлиқ ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 4-моддасининг учинчи қисми талабларига риоя этиш зарур. Ушбу Қонун нормасига кўра, фуқаролик қонун ҳужжати амалга киритилгунига қадар вужудга келган муносабатлар бўйича бу қонун ҳужжати у амалга киритилганидан кейин вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятларга нисбатан қўлланилади.

23. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 81-моддаси ва Қонуннинг 42-моддасига биноан, меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар, авариялар, ҳалокатлар ёки бошқа фавқулодда вазиятлар натижасида тўлиқ сақланмаган ёки қисман сақланган ҳолларда иш стажини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоятлар, туманлар (шаҳарлар)нинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этиладиган иш стажини аниқлаш бўйича махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади. Қисман сақланиб қолган ҳужжатлар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида кўрсатиб ўтилган комиссиялар томонидан белгиланган меҳнат фаолияти даврлари иш стажига, шунингдек ҳужжатлар билан тасдиқланган иш вақти сифатида имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига киритилади.

Меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлмаган ҳолларда, шунингдек меҳнат дафтарчасида зарур бўлган маълумотлар киритилмаган ёки иш даври ҳақидаги хато ва ноаниқ ёзувлар мавжуд бўлганда, Пенсия жамғармаси иш стажини (банд бўлган шахснинг иш стажидан ташқари) тасдиқлаш учун маълумотномалар, буйруқдан кўчирмалар, шахсий ҳисоб варақаси ва иш ҳақини бериш ҳақидаги ведомостлар, меҳнат шартномалари (контрактлари), идоровий архив маълумотномалари ва иш даври ҳақида маълумотга эга бўлган бошқа ҳужжатларни қабул қилиши лозим.

Бунда ташкилот, корхона, муассаса ёки архив раҳбари, шунингдек маълумотнома-ни тайёрлаган ходим томонидан имзоланган ва корхона, муассаса, ташкилот ёки архивнинг муҳри билан тасдиқланган маълумотномада ишга қабул қилиш, иш (мансаб) бўйича ўзгартириш ва асосини кўрсатган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Шу муносабат билан судларга тушунтирилсинки, меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар билан тасдиқланадиган ва Пенсия жамғармасига суғурга бадаллари тўланганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаган меҳнат фаолияти даврлари иш стажига қўшилмаган ҳолларда суд меҳнат фаолияти даврини белгилашга ҳақли эмас, чунки бундай факт меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар билан тасдиқланади.

Меҳнат фаолияти даври фактини бошқа тартибда тасдиқлашнинг имкони бўлмаган

тақдирдагина суд томонидан тасдиқланиши мумкин.

24. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 283-моддасининг 6-бандига асосан, суд шахсининг ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳужжатларда (жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органлари берадиган гувоҳномалардан ташқари) кўрсатилган исми, отасининг исми ва фамилияси унинг паспортидаги ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидаги исми, отасининг исми ва фамилияси билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги ёки тегишли эмаслиги фактини белгилайди.

Шунга кўра, судлар иш стажини тасдиқловчи ҳужжатни тегишлилиги фактини белгилашда ушбу фактни судсиз тартибда тасдиқлаш имкони мавжуд бўлмаган ҳоллардагина тасдиқлаш мумкинлигига эътибор қаратиши лозим.

25. Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда, Пенсия жамғармаси тегишли қарор чиқарилгандан кейин беш кундан кечиктирмай корхона, муассаса, ташкилот ёки ариза берувчига рад этиш сабабларини, қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилган билдиришномани бериши ёки юбориши ҳамда барча тақдим этилган ҳужжатларнинг асл нусхаларини ҳужжатлар олинганлиги тўғрисидаги тилхат билан фуқаро (ота-она, қонуний вакил)га қайтариши шарт.

Қонуннинг 48-моддасига мувофиқ пенсия тайинлашни рад этиш ҳақидаги қарорга нисбатан судга шикоят берилиши мумкин.

Пенсия тайинлашни рад этиш ҳақидаги қарорнинг қонунийлигини текширишда, суд Пенсия жамғармасининг қароридан кўрсатилган асосларни Қонун нормаларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар томонлама синчковлик билан текшириши лозим бўлади.

26. Судларга тушунтирилсинки, Қонуннинг 65-моддасига асосан пенсиядан чегирмалар:

а) суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкий ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроси суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлар асосида;

б) Пенсия жамғармасининг қарорига биноан пенсионерга - унинг томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари ва меҳнатга оид қонун ҳужжатларида ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато тушунчалари ёритиб бермаганлигидан келиб чиқиб, Пенсия жамғармасининг пенсиядан чегирмалар қилиш ҳақидаги қарорига нисбатан берилган шикоятларни кўришда, бу масала суд томонидан ҳал этилиши лозим.

Ҳисоб билан боғлиқ арифметик, математик ҳаракатларни (кўпайтириш, қўшиш, айириш, бўлиш) амалга оширганда йўл қўйилган нотўғрилиқлар ҳисоблашдаги хато деб топилиши лозим.

Бошқа техник хато деганда, дастурий таъминотга маълумотларни киритишда йўл қўйилган хато, шунингдек дастурий таъминотнинг бузилиши оқибатида вужудга келган хатони тушуниш лозим.

Ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаш, ҳисоб-китобни амалга оширишда тегишли бўлмаган (дахлдор бўлмаган) дастлабки маълумотлардан фойдаланиш ҳисоблашдаги хато ҳисобланмайди.

Пенсионернинг қонунга зид, пенсиянинг ортиқча суммаларини олишга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлари пенсионер томонидан қилинган суиистеъмоллик деб баҳоланиши лозим.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, жиноят содир қилинганлиги натижа-сида пенсиянинг ортиқча тўланиш ҳолатлари вужудга келганида ортиқча тўланган сумма давлатга етказилган зарар сифатида айбдор деб топилган шахсдан ундирили-ши лозим.

Баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, судлар пенсионернинг пенсиясидан че-гирма қилиш ҳақидаги қарорнинг асослилигини ҳар томонлама текшириши лозим.

27. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1030-моддасига мувофиқ фуқаро томонидан виждонсизлик қилинмаганлиги ва ҳисоб-китобда хатолар бўлмаганлиги аниқланса, унга берилган пенсиялар, нафақалар асоссиз орттирилган бойлик сифатида қайтарилмайди.

28. Судларга тушунтирилсинки, пенсиядан чегирмаларнинг миқдори ушлаб қолишнинг асосларига боғлиқ. Комиссия қарори асосида чегирмалар куйидаги миқдорда амалга оширилади:

ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида - 10 фоиз;

қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақаси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумот-лар тақдим этмаслик натижасида, пенсия ва нафақалар тўланган вақтда ишга жой-лашганлигини яшириш - 30 фоиз;

энг кам иш ҳақининг икки баробаридан кам миқдорда пенсия ёки нафақа олувчи шахслар бўйича - 5 фоиз.

Суднинг қарори ёки бошқа ижро ҳужжатида асосан ундириладиган чегирма миқдори тўланиши лозим бўлган пенсия миқдорининг 50 фоизидан ошмаслиги ло-зим. Пенсионер ёки нафақа олувчи қарздорликнинг ўрнини қоплаш учун унинг ёзма аризасига мувофиқ пенсия ва нафақалар суммаларини кўпроқ миқдорда, шу жумла-дан, тўлиқ миқдорда йўналтириш ҳуқуқига эга. Пенсионер ёки нафақа олувчининг ёзма аризасида у томонидан белгиланган фоиз тарзидаги миқдор ёки қатъий сумма кўрсатилади.

Шунга кўра, судлар пенсиядан ушлаб қолиш ҳақидаги даъволарни қаноатлантиришда ойлик ушлаб қолиш миқдорини белгилаши лозим.

29. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ортиқча тўланган пенсия миқдорини ундириш ҳақидаги талабларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 150-моддасида белгиланган умумий уч йиллик даъво муддати қўлланилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 153-моддасига кўра, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд

қарори чиқарилгунига қадар берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

30. Судларнинг эътибори ҳал қилув қарорининг хулоса қисми уни ижро этиш вақтида саволлар келтириб чиқармаслиги учун аниқ ва тушунарли қилиб баён этилиши лозимлигига қаратилсин. Шу мақсадда даъвогарнинг талаби қаноатлантирилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида, хусусан, қандай талаблар қаноатлантирилганлиги, даъвогарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун жавобгар зиммасига қандай мажбурият юклатилаётганлиги (масалан, даъвогарнинг муайян иш даврини муддатидан илгари ёшга доир пенсия белгилаш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига қўшиш мажбуриятини юклаш, жавобгардан тўланмаган пенсия суммасини ундириш), шунингдек суд, агар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими пенсия тайинлашни асосиз равишда рад этганлиги ҳақида хулосага келганда, жавобгар зиммасига қайси вақтдан пенсия тайинлашга мажбурлиги кўрсатилиши лозим.

Назарда тутиш лозимки, агар даъвогар конунда белгиланган тартибда Пенсия жамғармасига пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган бўлиб, унга асосиз рад берилган бўлса, суд бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига даъвогар Пенсия жамғармасига ариза билан мурожаат қилган кундан бошлаб пенсия тайинлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

31. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 19-моддасига амал қилган ҳолда судлар бундай ишларни кўришда фуқароларнинг пенсия ва нафақа олиш ҳуқуқларининг бузилиши, пенсия ва нафақа тайинлаш учун зарур бўлган нотўғри архив ва бошқа маълумотларни тақдим этиш фактлари аниқланган ҳар бир ҳолатга хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдириши зарур.

32. Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят маъмурий судларига тизимли равишда куйи судлар томонидан фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ҳақидаги конун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётини ўрганиб бориш орқали йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, конун нормаларини тўғри қўллашни таъминлаши лозим.


33. Мазкур Қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 1991 йил 20 декабрдаги 5-сонли қарори 2-бандининг тўққизинчи хатбошиси ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Пленум котиби,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси

И. АЛИМОВ



5-1511-17-СОНЛИ ИШ (2017 йил 23 ноябрдаги ажримдан кўчирма)

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотларнинг мулкани энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваригача миқдорда ўғирлаш йўли билан талон-тороғ қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, жиноят таркибини ташкил қилмайди.

Жиноят ишлари бўйича туман судининг 2016 йил 17 октябрдаги ҳукмига кўра, Г.Солиевага (матндаги исм-фамилиялар ўзгартирилган) нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК) 25 ва 169-моддаси учинчи қисмининг «а» банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, у ЖК 34-моддаси учинчи қисмининг «б» бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган.

Жиноят ишлари бўйича шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 11 ноябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Г.Солиева мукаддам ўғирлик жинояти учун ҳукм қилингани ҳолда 2014 йил 12 май куни соат 9.20 ларда бошқа шахс билан бир гуруҳ бўлиб, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Ходжаев кўчасидаги «Angelese Food» шўъба корхонасига қарашли «Корзинка-Қоратош» супермаркетига харидор сифатида кириб, савдо растасидан жами нархи 407 930 сўмни ташкил қилган мулкларни ўғирлашга суиқасд қилганликда айбли деб топилган.

ЖКнинг 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмиши учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖТК)-нинг 61-моддасида мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкани ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-тороғ қилиш учун жавобгарлик белгиланиб, башарти талон-тороғ қилинган мулкнинг қиймати энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан ошмаса, бундай

талон-торож оз миқдордаги талон-торож қилиш деб ҳисобланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2004 йил 21 майдаги қарорининг 2-бандида МЖтКнинг 61-моддасига мувофиқ корхона, муассаса, ташкилотларнинг мулкани ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб мавқеини суистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваригача миқдорда талон-торож қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этиши, бундай ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда ҳам, агар талон-торож миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан ошмаса, маъмурий жавобгарлик келиб чиқиши, бундай ҳолда майда талон-торож неча марта содир этилганлиги аҳамият касб этмаслиги, талон-торож миқдори ҳуқуқбузарлик содир этилган кунда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб белгиланиши, талон-торож этилган мулкнинг қийматини аниқлашда ишнинг муайян ҳолатларига қараб, ҳуқуқбузарлик содир этилган кундаги шартномавий, бозор, биржа баҳоларига асосланмоқ лозимлиги, 3-бандида корхона, муассаса, ташкилот мулкани ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб мавқеини суистеъмол қилиш, фирибгарлик ва ўғирлик йўли билан талон-торож қилиш (ЖКнинг 167, 168, 169-моддалари) учун жиноий жавобгарлик фақат талон-торож суммаси МЖтК 61-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган миқдордан ошган тақдирда келиб чиқиши, алоҳида квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳоллар ҳам бундан мустасно эмаслиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ, ишни кўришда юқорида қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришлари судларнинг эътиборидан четда қолган.

Дастлабки тергов ва суд томонидан Г.Солиева «Angelesey Food» шўъба корхонасига қарашли «Корзинка-Қоратош» супермаркетидан жами нархи 407 930 сўмни ташкил қилган мулкларни ўғирлашга суиқасд қилганликда айбли деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2013 йил 2 декабрдаги ПФ-4582-сонли Фармонига асосан 2013 йил 15 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида энг кам ойлик иш ҳақи миқдори 96 105 сўм миқдорида белгиланган бўлиб, унинг ўттиз баравари 2 883 150 сўмни ташкил этиб, ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳамда ҳукм чиқарилган пайтда Г.Солиева томонидан талон-торож қилинган корхонага тегишли 407 930 сўмлик мулклар миқдори жиноят таркибини ташкил қилмаган.

Бундай ҳолда Г.Солиева бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мулкани ўғирлик йўли билан талон-торож қилиш жиноятини содир этган деб бўлмайди, унинг ҳаракатларида МЖтКнинг 61-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик мавжуд.

ЖПКнинг 83-моддасига мувофиқ иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, шахс айбсиз деб топилиши лозим.

Апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг мазкур хатосини бар-тараф этиш чорасини кўрмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдирган.

Бундай ҳолатда иш бўйича чиқарилган суд қарорларини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмайди.

Шу сабабли, судлов хайъати Г.Солиевага нисбатан чиқарилган суд қарорларини бекор қилиб, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун жиноят ишини тугатишни ва уни дарҳол жазони ижро этиш муассасасидан қамокдан озод қилишни лозим деб топади.

* * *

10-1720/12301-СОНЛИ ИШ

(2017 йил 22 ноябрдаги
қарордан кўчирма)

Агар апелляция ва кассация шикоятлари берилганда суд ҳужжатининг фақат ундириши ёки ундиришни рад этиши қисми шикоят қилинаётган бўлса, давлат божи низолаштилаётган суммадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади

«Sandvich Panel» МЧЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) суд-га даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар — «Andijon Ta'mir Qurilish» МЧЖ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ҳисобидан 462 578 828,53 сўм асосий қарз, 330 743 842 сўм пеня ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, даъвогар фойдасига жавобгардан 462 578 828,53 сўм асосий қарз, 138 773 648 сўм пеня, 3 966 613,35 сўм давлат божи, 7 200 сўм почта харажатлари ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Жавобгардан республика бюджетига, судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига 859 850,21 сўм давлат божи ундирилган.

Протестда апелляция инстанцияси суди қарорини ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштириш сўралган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида 2016 йил 16 мартда 01-2016-сонли шартнома тузилган. Кейинчалик шартномага 2016 йил 28 майда 1-сонли, 2016 йил 22 сентябрда 2-сонли, 2016 йил 24 октябрда 3-сонли қўшимча келишувлар тузилган.

Шартнома шартларига мувофиқ, даъвогар жавобгарга сэндвич панел (бундан буён матнда маҳсулот деб юритилади) тайёрлаб етказиб бериш, жавобгар эса

маҳсулотни қабул қилиб, унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Даъвогар томонидан етказиб берилган маҳсулот учун жавобгар томонидан 462 578 828,53 сўмлик қарздорликка йўл қўйилганлиги сабабли, даъвогар мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди томонидан ишни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя қилинган ҳолда даъвони қисман қаноатлантириш тўғрисида тўғри тўхтамга келинган.

Жавобгарнинг даъвогар олдида 462 578 828,53 сўмлик қарздорликка йўл қўйганлиги ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан даъво аризасида талаб қилинган пеняни камайтиришда қонунбузилиши ҳолатига йўл қўйилмаган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 4-бандида ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида тўғри қарор қабул қилган бўлса-да, ишни апелляция инстанцияси судида кўриш учун жавобгардан 859 850,21 сўм давлат божи ундириб, хатоликка йўл қўйган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарорининг 4.6-бандида агар апелляция ва кассация шикоятлари берилганда суд ҳужжатининг фақат ундириш ёки ундиришни рад этиш қисми шикоят қилинаётган бўлса, давлат божи низолашилаётган суммадан келиб чиқиб ҳисобланиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Мазкур ҳолатда апелляция инстанцияси суди томонидан ишни кўриш учун 138 773 648 сўмнинг 0,5 фоизи миқдориди, яъни 693 868,24 сўм давлат божи ундирилиши лозим эди. Аммо, жавобгар томонидан апелляция шикояти беришда ушбу сумма тўланганлигини инобатга олган ҳолда, апелляция инстанцияси судида жавобгардан давлат божи ундирилмаслиги лозим бўлган.

Қонунга мувофиқ суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асосsizлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати апелляция инстанцияси суди қарорининг давлат божи ундириш қисмини бекор қилишни, суд ҳужжатининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим деб ҳисоблайди.

* * *

МИБ-279-17-СОНЛИ ИШ

(2017 йил 31 октябрдаги
қарордан кўчирма)

Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги бошланган иш тугатилиши лозим

Туман маъмурий судининг қарори билан Т.Сапаев (матндаги исм-фамилиялар ўзгартирилган) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖТК)нинг 41-моддасида назарда тутилган ҳақорат қилиш ҳуқуқбузарлигини содир этган деб топилиб, МЖТКнинг 33-моддаси қўлланилган ҳолда, энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари — 299 550 сўм миқдориди жаримага тортилган. Шунингдек, мазкур суд қарори билан фуқаро О.Беков МЖТКнинг 41-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилган.

Вилоят маъмурий судининг 2017 йил 4 августдаги ҳал қилув қарори билан туман маъмурий судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд қарорига кўра, Т.Сапаев 2017 йил 21 июль куни соат 9-00 да маҳалла ҳудудида О.Бековга «итни боласи ҳам бу ишни қилмайди», деб ҳақорат қилиб, унинг шаъни ва кадр-қимматини камситган.

Т.Сапаев шикоятда фуқаро О.Беков буғдой экинини пайҳон қилганлиги оқибатида жанжаллашилганлиги ва «итнинг боласи ҳам қилмаслиги» ҳақидаги гапи нотўғри равишда ҳақорат деб баҳолангани баён қилиниб, суд қарорини бекор қилиш сўралган.

МЖТК 321-моддасининг иккинчи қисмига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун: орган (мансабдор шахс) томонидан ишнинг тўлиқ бўлмаган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши; орган (мансабдор шахс) ҳал қилув қарорининг ва ушбу Кодекс Махсус қисмининг қўлланилган нормалари ва маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бошқа норматив ҳужжатлар ишнинг фактик ҳолатларига мос келмаслиги; маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қоидаларининг жиддий бузилиши; қўлланилган маъмурий жазонинг адолатсизлиги асос ҳисобланади.

Мазкур Кодекснинг 41-моддасига мувофиқ шахснинг шаъни ва кадр-қимматини қасддан камситиш ҳаракатини содир этиш, ҳақорат қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлик аломати ҳисобланади.

Иш ҳужжатларига қараганда, суд томонидан Т.Сапаевни ҳуқуқбузарлик содир этган деб топиш тўғрисидаги хулосага келишига О.Бековнинг буғдой экинини пайҳон қилганлиги оқибатида Т.Сапаев «бу ишни итнинг боласи ҳам қилмайди»

деганлиги аниқланганлиги бўлган.

Қайд этилган шахслар ўртасидаги жанжаллашувга сабаб бўлган ҳодиса Т.Сапаев ўз оила аъзолари билан етиштираётган буғдой экинини О.Беков пайхон қилганлигидан иборат бўлган. Шу ҳолатда Т.Сапаев О.Бековнинг ҳаракатига нисбатан «бу ишни итнинг боласи ҳам қилмайди» деган иборани ишлатган.

Судга далил сифатида тақдим этилган аудио ёзувда Т.Сапаев ва О.Беков ўртасидаги жанжал вақтидаги сўзлашув қайд этилган. Унда О.Беков, Т.Сапаев томонидан гапирилган иборани ўзига нисбатан кадр-қимматини камситиш сифатида қабул қилгани жанжални кескинлаштириб Т.Сапаевни ҳар хил сўзлар билан ҳақорат қилган. Т.Сапаев эса, бу сўзларни кадр-қимматини камситиш сифатида гапирмаганлигини таъкидлаб, жанжални тинчлантиришга ҳаракат қилган.

Жабрланувчи муайян ҳаракатлардан ўзининг кадр-қиммати камситилган деб ҳисоблашининг ўзи ҳуқуқбузарлик аломатларини келтириб чиқармайди ва ҳар бир ҳолатда суд ҳаракатни ахлоқ қоидаларига, фуқароларнинг муносабатларида шаклланиб келган иборалар мавжудлигига аҳамият бериб баҳолаши лозим.

Суд Т.Сапаев томонидан жанжаллашув вақтида ишлатилган иборани шахсининг кадр-қимматини камситиш ҳаракати сифатида баҳолаб, нотўғри хулосага келган. Ҳолбуки, мазкур ибора О.Беков томонидан қилинган ишни, яъни буғдой экинини пайхон қилганлиги ҳаракатининг ахлоқ қоидаларига номақбуллигини ифода этиш учун ишлатилган ва бу иборанинг ишлатилишида О.Бековнинг кадр-қимматини қасддан камситиш аломатлари йўқ.

Маъмурий ишда гувоҳ тариқасида К.Одиловдан олинган тушунтириш хати бўлиб, унда Т.Сапаев О.Бековни «итдан бўлган» деб ҳақоратлаганлиги кўрсатилган. Бироқ, унинг бу тушунтириши ҳодиса бўлган жойда ёзиб олинган аудио ёзув ҳамда гувоҳ Ю.Сапаеванинг ҳодиса вақтида бундай сўз Т.Сапаев томонидан гапирилмаганлиги ҳақидаги тушунтиришлари билан инкор этилади. Шу сабабли, суд К.Одиловнинг тушунтиришларини далил сифатида қабул қилмайди.

МЖтК 271-моддасининг 1-бандига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим.

Шунга кўра, суд туман маъмурий суди қарорининг Т.Сапаевга нисбатан қисмини ва вилоят маъмурий судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни ҳамда маъмурий ишнинг Т.Сапаевга оид қисмини МЖтК 271-моддасининг 1-бандига асосан тугатишни лозим топади.

* * *

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА МЕМОРАНДУМ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ҳамда фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Жойларда, авваламбор, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш мақсадида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ҳозирги кунда Ватанимиз тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаш, яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш, ғайрат-шижоат билан илм чўққиларини эгаллаш, ташаббускор бўлиш ёшларимизнинг энг муҳим вазифасидир.

Бунда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўзининг самарали фаолияти билан муҳим ўринга эга бўлмоқда.

Шу билан бирга ёшларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, жойларда, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли уюлмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бугунги кунда жуда долзарбдир.

Президентимиз раислигида 2017 йил 15 ноябрь куни мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам барчамизнинг эътиборимиз ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмаслиги, асосий масала

ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, уларни содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборат эканлигига яна бир бор қаратилди.

Йиғилишда ёшлар ўртасида содир этиладиган жиноятчилик масаласи батафсил муҳокама қилиниб, бу борада аҳвол ташвишланарли эканлиги қайд этилди. Хусусан, 2017 йилнинг 10 ойи давомида ёшларнинг 22 минг нафари жиноятга қўл урган. Бу рақам жиноят содир этган жами шахслар кўрсаткичининг учдан бир қисмини ташкил қилади. Ачинарлиси шуки, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан 875 та, мактаб ўқувчилари томонидан эса 310 та оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилишига йўл қўйилган.

Президентимиз ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, шунингдек ёшларга суд томонидан жазо тайинлашда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг кафолат хатига асосан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турини тайинлаш механизмини жорий этиш бўйича таклифларни тайёрлаш юзасида ҳам топшириқ берди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ўртасида ёшлар масалалари соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

Унда ёшлар, айниқса, уюшмаган ёшлар билан уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида судлар билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, ёшлар тарбияси билан боғлиқ ижтимоий аҳамияти муҳим бўлган суд ишлари бўйича суд биноларида ўтказиладиган очиқ суд мажлислари жараёнларида, шунингдек сайёр суд мажлисларида ёшлар иштирокини таъминлаш бўйича келишиб олинди.

Меморандумда судлар ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан бирга мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасидаги имтиёз ва преференцияларни ёшларга етказиш, улар онгида тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, ёш тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида турли ўқув-семинар машғулотларини ташкил этиш масалалари ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, ёшлар ўртасида эрта никоҳга киришиш, ёш оилалар ажралишларининг олдини олиш, ёшлар орасида мулкрий тусдаги (қарз, кредит, ижара) ва бошқа фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан вужудга келадиган низоларни олдини олиш бўйича тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Меморандумда жазони ижро этиш муассасаларидан, шу жумладан муддатидан илгари шартли ҳамда суд залидан озод этилган ёшлар, шунингдек ёшлар

томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар бўйича ўзаро маълумотлар алмашиш орқали ёшларни тўғри йўлга қайтариш, уларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашиш масалаларига ҳам эътибор қаратилган.

Содир этилган жиноят, ҳуқуқбузарликлар бўйича суд томонидан жазо тайинлашда ҳар бир ҳукмнинг қонуний ва адолатли бўлишини таъминлаш мақсадида судланувчи ёшларнинг шахси юзасидан жамоатчиликнинг фикрини инобатга олиш жуда муҳимдир.

Меморандумда ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноят бўйича судлар томонидан жазо тайинлашда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий Кенгашларининг қафолат хатига асосан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турини тайинлаш механизми юзасидан келишиб олинди.

Жиноят иши судда кўриладиган ёшларнинг шахсини, оилавий шароитини, маънавий муҳитини ўрганиб чиқиш ҳамда ушбу шахсга қафолат хати бериш тартибини белгиловчи қоидалар, қафолат хатининг намунавий шакли ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий Кенгашлари томонидан кафиликка олинувчи шахснинг янги жиноят содир этишининг олдини олиш, уни соғлом муҳитга қайтариш, ўқиш ёки касбга йўналтириш борасида аниқ ва мақсадли индивидуал дастурлар лойиҳаси ишлаб чиқиши белгилаб олинди.

Қайд этиш жоизки, ҳозирда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашлари кафилиги асосида судланувчи ёшларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари тайинланиб, уларнинг тўғри йўлга қайтишлари учун имконият берилмоқда.

Хусусан, 2017 йил мобайнида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи кафилиги асосида 64 нафар судланувчига нисбатан жазо тайинлашда жамоатчиликнинг кафилиги эътиборга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу Меморандум мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида ёшларнинг иштирокини янада фаоллаштириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ёш авлод вакилларини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

М. ЭРГАШЕВ,
Олий суд матбуот котиби

АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОН: бағрикенглик, кечиримлилик ва инсонпарварлик тимсоли

*Инсон ҳаётда билиб-билмай хатога йўл қўйиши мумкин.
Лекин, мутафаккирлар айтганидек, хатолар, агар уларни тан
олиб, пушаймон бўлишга бўйин ёр берса, ҳамиша кечиримлидир.*

Шунинг учун ҳам адашиб ҳуқуқбузарлик йўлига кирган ва содир этган қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларга яна бир бор имкон бериш, уларни тўғри йўлга, оиласи бағрига қайтариш ўзини инсонпарвар деб биладиган ҳар қандай давлат олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Зеро, адашганлар ҳам шу давлат фуқароларидир.

Бинобарин, 2017 йил 29 сентябрда давлатимиз раҳбари томонидан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумларни афв этиш ҳақидаги материалларни тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиш қабул қилинди.

Мазкур Фармойишда суд амалиётида жазонинг содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мутаносиб бўлиши, маҳкумнинг шахсини тавсифловчи ва айбини енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш етарлича тўлиқ таъминланмаётгани қайд этилган эди. Амалга оширилган ишлар натижасида 274 та жиноят иши бўйича айблов қайта малакаланган, жиноят ишларининг 50 таси қонунчиликдаги ўзгариш, 805 таси жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги, 26 таси қилмишда жиноят таркиби мавжуд эмаслиги муносабати билан тугатилган.

Мазкур ҳолат инobatга олиниб, маҳкумларни афв этиш ҳақидаги материалларни тайёрлаш бўйича махсус комиссия, ишчи гуруҳлар тузилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, жамоат ташкилотлари вакиллари билан иборат ишчи гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда жойларга чиқиб, ҳар бир маҳкум билан яқка тартибда суҳбатлар ўтказиш орқали уларнинг шахсини ўрганди.

Ўрганиш жараёнида маҳкум томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг ўз қилмишидан чин қўнғилдан пушаймонлиги, жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг қопланганлиги ва бошқа оқибатларнинг бартараф қилинганлиги, маҳкумнинг шахсини тавсифловчи маълумотларга, унинг ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволи, жазонинг содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мутаносиблигига алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, жабрланганлар ва жамоатчиликнинг, жумладан, маҳкум яшаган маҳалла вакиллари билан фикрлари ҳам атрофлича ўрганилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида Конституциямизнинг 25 йиллигини нишонлаш

арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз тарихида илк маротаба 2 минг 700 нафар маҳкумни, жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар турли шароитлар туфайли жиноят содир этган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, яшаш жойи ва жазони ижро этиш муассасасида ижобий тавсифланган шахсларни афв этишни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида»ги Фармон 2017 йил 7 декабрь куни қабул қилинди.

Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши Асосий қонунимиз муқаддимасида қайд этилганидек, Ўзбекистон инсонпарвар давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлигининг амалий исботи бўлиб, юртимизда инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларининг олий қадрият сифатида тан олиншининг ёрқин намоёиши бўлди.

Халқимиз узоқ йиллар мобайнида амнистия актини кўп эшитиб, афв этиш қўлланганлигининг гувоҳи бўлмаган.

Афв этиш институтининг моҳияти ва амнистиядан фарқли жиҳатлари шундаки, афв этиш ҳукм қилинган шахсга нисбатан инсонпарварлик ифодаси бўлиб, уни жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилади ёки суд томонидан белгиланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштиради. Афв этиш аниқ ҳукм қилинганга нисбатан индивидуал тарзда амалга оширилади ҳамда уни оқлайдиган ва жиноят содир қилинганлиги фактини бартараф қиладиган ҳолат ҳисобланмайди.

Амнистия акти жиноят содир қилган маълум тоифадаги шахсларга жинойи-ҳуқуқий таъсир чораларини қўлламаслик орқали уларга тузалиш имкониятини бериш ёки бу чоралар қўлланганда уларнинг аҳволини яхшилаш мақсадида кўрсатиладиган инсонпарварлик ифодаси ҳисобланади. Содда қилиб айтадиган бўлсак, амнистия актида аниқ бир шахснинг фамилия, исми-шарифи кўрсатилмай, маълум тоифадаги шахслар (масалан, ёшлар, 60 ёшдан ошганлар, аёллар), одатда, ижтимоий хавфли қилмишни биринчи марта содир қилганлар, унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлар жазодан озод қилиниши ёки унинг муайян қисми камайтирилиши кабилар белгиланади. Яъни, аввал жиноятлар тоифаси белгилаб берилади, кейин эса ана шу жиноятлар тоифасига тушадиган шахслар аниқланади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, амнистия — жиноят содир этган одамларни кечириш бўйича муҳим механизмлардан бири. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, олдиндан чуқур ўрганмасдан туриб жавобгарликдан озод қилишни белгилаш қилмишига пушаймон бўлмаган, етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахслар ҳам амнистия доирасига кириб қолишига сабаб бўлган. Бу масалада, минг афсуски, коррупция ҳолатлари ҳам бўлган. Прокуратура, ички ишлар ва суд идораларида ҳам бундай номаъқул ишларга йўл қўйилган. Бу эса, амнистияга тушган кимсаларда жазони ҳис этмаслик, бизга ҳамма нарса мумкин, деган нотўғри кайфиятнинг шаклланишига олиб келган. Энг ёмони, амнистияни қўллашда жабрланган тараф ва жамоатчилик фикри инобатга олинмаган, бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, афсуски, амнистия бўйича озод қилинган шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Амнистиядан фарқли ўлароқ, афв этиш судлар томонидан ҳукм қилинганларга, ин-

дивидуал тартибда аниқ бир маҳкумга нисбатан унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти номига афв этишни сўраб ёзган мурожаатига асосан амалга оширилади. Яъни, шахс ўз айбини тан олиб, унга пушаймон бўлиб, кечирим сўрайди. Бундай ҳолатларда амнистияга тушган айрим кимсалардек жазони ҳис этмасликка ўрин қолмайди.

Давлатчилигимиз тарихида ҳам афв этишга оид ҳужжатлар қабул қилинганлигини кузатишимиз мумкин. Бунга мисол сифатида Амир Темурнинг «биринчи марта гуноҳ қилган шахснинг гуноҳидан ўтинглар, иккинчи марта гуноҳ қилган шахснинг ҳам гуноҳидан ўтинглар, учинчи марта гуноҳ қилган шахсни гуноҳига яраша жазолан-лар», деган ўғитини келтириш мумкин.

Афв этишнинг моҳиятида инсонпарварлик, кечиримлик, бағрикенглик каби тушунчалар ётади. Яна бир жиҳатни айтиб ўтиш керакки, баъзилар жазо деганда, жиноят содир этган шахсни қийноққа солиш, хўрлашни тушунадилар. Ваҳоланки, жазодан мақсад кимнидир қийноққа солиш, хўрлаш эмас, балки Жиноят кодексининг 42-моддасига асосан жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойи фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахсларнинг янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ.

Шунинг учун ҳам Президентимиз қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтадилар: «Келинг, ўзимизга бир савол берайлик: аслида, одамни суд қилишдан мақсад нима? Уни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш эмасми? Жиноятчиликнинг олдини олиш эмасми? Лекин, инсонни фақат жазолаш билан, фақат репрессив усуллар билан тарбиялаб бўлмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўп бор исботлаган. Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, авваламбор, жинойи ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак. Барчамиз биргаликда шу ишга ҳисса қўшишимиз керак».

Қайд этиш ўринлики, афв этиш давлат раҳбарининг қандайдир мажбурияти, бурчи эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ушбу ҳуқуқидан фойдаланиб, адашган шахсларга яна бир бор тўғри йўлга қайтишга имкон берди.

Қабул қилинган Фармон асосида жуда кўплаб одамлар озодликка чиқди. Бу эса, минглаб оила хурсандчилиги деганидир.

Албатта, жамиятнинг асосий бўғини бўлган оиланинг жам бўлиши, айниқса, оила боқувчиси, тарбиячиси бўлган ота-онанинг уйга қайтиши жуда чуқур маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, мазкур Фармон айна вақтда оиланинг давлат муҳофазасида бўлишига ҳам хизмат қилади.

А. МАХКАМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қашқадарё вилоят суди раиси

Маълумки, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида 2017 йил 6 сентябрда «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига, шунингдек «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жиноят-процессуал кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартишларга мувофиқ жамиятга катта хавф солмайдиган жиноятлар тўғрисидаги ишларни судга қадар юритишнинг соддалаштирилган тартиби белгиланди.

СУРИШТИРУВ ИНСТИТУТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Жумладан, Қонуннинг суриштирувга бағишланган 38-моддаси янги тахрирда баён қилинди. Унга кўра, жиноят ишлари бўйича суриштирув юритиш ҳуқуқи ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг жойлардаги бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари суриштирувчилари томонидан олиб борилади.

Мазкур Қонун «Суриштирувчининг ваколатлари» деб номланган 38¹-модда билан тўлдирилди. Ушбу моддада суриштирувчининг ваколатлари аниқ-тиник белгилаб қўйилган.

Ижтимоий хавфли бир қатор жиноятлар ички ишлар органларидан прокуратура органлари терговга ўтказилди. Булар текширувнинг тезкорлик билан ўтказилишини таъминлашга, терговчилар иш сифатини оширишга, шу каби жиноят ишларини текширишда бир-бирини такрорлашнинг олдини олишга ва сансалорликни бартараф этишга қўмаклашади.

Маълумки, содир этилган жиноят ишининг асл ҳолатини аниқлашда, жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда экспертизанинг аҳамияти катта. Қонуннинг янги тахрирда баён қилинган 183-моддасига кўра, экспертизани тайинлаган терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертга экспертиза тайинланганлиги тўғрисидаги қарорни ёки ажримни тақдим этади, уни қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништиради ва била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчининг, терговчининг ёхуд прокурорнинг руҳсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бундан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради.

Эксперт берган ариза ва илтимосномалар ҳам шу зайдда қайд этилади. Экспертнинг илтимоси рад этилган тақдирда, экспертиза тайинлаган терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд бу ҳақда қарор ёки ажрим чиқаради.

Жиноят-процессуал кодексининг 250-моддаси айбланувчи ёки судланувчининг ёзма мажбуриятини назарда тутди. Маълумки, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат айбланувчининг ёки судланувчининг ёзма мажбурияти ҳисобланади. Айбланувчи ёки судланувчининг суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга тергов ва суддан яширинмаслик, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик, жинойи фаолият билан шуғулланмаслик, юқоридагиларнинг ижозатисиз аҳоли пунктдан чиқиб кетмаслик, агар истиқомат жойини ўзгартирса, бу ҳақда уларни хабардор қилиш мажбурияти ушбу моддада аниқ белгилаб қўйилган.

Жиноят-процессуал кодексининг тўққизинчи бўлими 40¹-боб билан тўлдирилди. Мазкур бобда ишни судга қадар юритишнинг шакллари баён қилинган. Яъни, ишни судга қадар юритиш жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайтдан бошланиши ҳамда терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни ўз ичига олиши белгилаб қўйилган.

Қонун билан суриштирув юритиш борасидаги муддатлар ҳам аниқ белгилаб қўйилди. Яъни, суриштирув жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб бир ойдан ошмаган муддатда тамомланиши шарт. Жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати узокроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади. Борди-ю, жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратилса, ушбу иш бўйича суриштирув муддати тегишли қарор чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади. Қолган ҳолларда муддат бу жиноят иши қайси жиноят ишидан алоҳида иш юритувига ажратилган бўлса, ўша жиноят иши қўзғатилган пайтдан ҳисобланади.

Иш айблов далолатномаси билан, шунингдек ишни тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш ёхуд тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан, амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома билан прокурорга топширилган кун ёхуд ишни тугатиш ҳақида қарор чиқарилган кун суриштирув тамомланган ҳисобланади.

Суриштирув муддатига кирмайдиган даврлар ҳам мавжуд. Улар қуйидагилардир: айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш материаллари билан танишиб чиққан вақт;

суриштирув тўхтатиб турилган вақт;

қўшимча суриштирув ўтказиш учун прокурор томонидан қайтарилган иш суриштирувчига келиб тушгунга қадар ўтган вақт.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчилигимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мавжуд ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирди. Бу жиҳат дастлабки суриштирув ва терговнинг адолатли ўтказилишини таъминлашга хизмат қилади.

З. ФАЙЗИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд
вилоят суди раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи

ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Дунёнинг тараққий этган мамлакатлари ривожланишида икки асосий жиҳат муҳим ўрин тутган. Биринчиси – адолатли қонунлар, иккинчиси – кучли иқтисодий сиёсат.

Шу боис, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан оқ ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйди. Ушбу эзгу мақсадга эришишнинг муҳим шартларидан бири хусусий мулк кафолатларини амалда таъминлаш ва тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очишдир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш йўлидаги маъмурий ғовлар ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш, хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан белгиланган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида бугунги кунда хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг ҳақиқий пойдеворига айланди.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлис палаталарига тақдим этган Мурожаатномасида тадбиркорлик ривожига билан боғлиқ масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Мурожаатномада қайд этилганидек, иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Бу биз учун келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

2017 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди¹.

Қайд этиш ўринлики, ривожланган мамлакатларда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг асосини ташкил этиб, унинг муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Хусусан, иқтисодий фаол аҳолининг 50 фоиздан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб қилинган. Бу кўрсаткич Японияда 70 фоизни, Хитойда 80 фоизни ва АҚШда 50 фоизни ташкил қилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши АҚШда 52 фоизни, Японияда 67 фоизни ташкил этади². Тараққий этган мамлакатларда кичик бизнес корхоналари сони жами корхоналарнинг 70-90 фоизини, ташкил этади, иш билан банд аҳолининг 70-80 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади³.

Президентимиз томонидан банклар олдига ҳар бир оила билан мулоқот ташкил қилиш орқали фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қулай имкониятлар яратиш, тадбиркорларга молиявий кўмак ва мадад бериш вазифаси қўйилди. Бу борада изчил амалга оширилган ишлар натижасида:

биринчидан, 2017 йил 31 октябрда Жаҳон банки эълон қилган «Бизнесни юритиш 2018: иш ўринлари яратиш учун ислохотлар» номли маърузага кўра, Ўзбекистон дунёнинг 190 давлати орасида 74-ўринни эгаллаб, 2016 йилдаги мавқеини 13 поғонага яхшилади;

иккинчидан, Ўзбекистон бизнес юритиш учун энг қулай шароитлар яратиш бўйича ислохотчи давлатларнинг биринчи ўнталигига киришга муваффақ бўлди;

учинчидан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимининг тубдан такомиллаштирилгани туфайли Ўзбекистон корхонани рўйхатдан ўтказиш кўрсаткичи бўйича дунёда 11-ўринни банд этди. Бу йўналишда мамлакатимиз АҚШ, Япония, Франция, Германия, Италия, Испания, Дания каби ривожланган давлатларни ортда қолдирди.

Ушбу кўрсаткичлар ҳам мамлакатимизда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг қанчалик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Дахлсизлик ва давлат ҳимоясида бўлиш хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш чоралари орасида муҳим ўринга эга. Биринчидан, дахлсизлик деганда, шахснинг ўзига ёки муайян ҳуқуқларига нисбатан қонунга зид бўлган хатти-ҳаракатлар билан у ёки бу даражада таъсир ўтказишни тақиқловчи қонуний чоралар мажмуи назарда тутилади. Иккинчидан, дахлсизлик ҳуқуқ субъектига тегишли ва унинг ваколатлари доирасида ҳамда хўжалик ҳукмронлигидаги объектнинг ҳар қандай ҳуқуқбузарликлардан холи бўлишининг қонун билан таъминланишидир.

Хусусий мулк нафақат моддий мустақилликнинг, балки шахс маънавий эр-

кинлигининг ҳам асоси, манбаи ҳисобланади.

Мамлакатимизда хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, унинг қонуний ҳамда амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, иқтисодиётда давлат улушини босқичма-босқич камайитиришга йўналтирилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ иқтисодиётда давлат иштирокини камайитириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Биргина мисол, мамлакатда хорижий валюта конвертацияси билан боғлиқ долзарб масаланинг қисқа вақтда ҳал этилгани бутун дунёда эътироф этилди. МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб мамлакат раҳбари ҳузурида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтининг жорий этилиши ҳам ниҳоятда катта қадам бўлди.

2018 йилнинг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб номланиши ҳам бежиз эмас.

Зотан, фаол тадбиркорлик бизнесни инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, фаол тадбиркор деганда, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонлар тушунилади. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш биринчи галдаги вазифа бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб бериш лозим.

Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлаш керак.

Шунинг учун Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради.

Бугун давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга

қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади⁴.

Бугун дунёда инновациялар миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ортиши ва барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этаяпти. «Билимларга асосланган иқтисодиёт» йўналишида илмий-техника сиёсатини амалга ошираётган давлатларда самарадорлик ҳамда жадал иқтисодий ривожланиш кузатилмоқда.

Эркинлаштириш давлатнинг иқтисодиётга раҳбарлик қилишдан воз кечиши маъносини англамайди. Бирок, ўтиш давридаги «Давлат – бош ислоҳотчи» принципи иқтисодий тизимдаги ўзгаришларни ҳисобга олишни тақозо этади. Давлат сиёсий ҳокимият соҳиби, маъмурий бошқарувни амалга оширувчи куч сифатида иқтисодиётга мақсадли таъсир этишдан манфаатдордир.

Шу муносабат билан, Мурожаатномада айни вақтда ноқонуний текширишлар, хусусий бизнес фаолиятига асоссиз аралашишга қарши курашни кучайтириш кераклиги, шу мақсадда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Мурожаатномадаги мазкур масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида» 2018 йил 22 январдаги Фармонида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Давлат дастури 5 бўлимдан иборат бўлиб, унинг доирасида 37 та қонунни ишлаб чиқиш, 142 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳаларни қамраб оладиган 52 та амалий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, Фармон билан тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича икки йил муддатга мораторий эълон қилинди. Эндиликда, Фармон эълон қилинган кундан бошлаб тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг текширувларига вақт ва ресурс сарфламасдан ўз фаолиятини хотиржам амалга оширишлари мумкин. Бундан ташқари, ноқонуний текширишлар, хусусий бизнес фаолиятига асоссиз аралашишга қарши курашни кучайтириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тизими тубдан қайта кўриб чиқилади, бунда текшириш ўтказишга рухсат беришнинг махсус электрон ахборот тизимига ўтилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлигини амалда таъминлаш бундан буён ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолишини таъкидлар экан, мамлакатимиз раҳбари «Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ана шу конституциявий қонуннинг изчил амалга оширили-

ши ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини жадал ривожлантириш бўйича олиб бораётган барча ишларимизнинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради»⁵, деб уқтиради.

Мамлакатимиз раҳбарининг тадбиркорлик ривожига бундай эътибор қаратаётгани ҳамда ушбу эътиборни амалда намоён этаётгани бежиз эмас, албатта. Бугун тадбиркорлик нафақат иқтисодий юксалиш омили, балки аҳоли бандлиги, халқ фаровонлигининг муҳим шартига ҳам айланган. Ижтимоий мажбуриятларни амалга оширишга асос бўладиган бюджетнинг даромад қисми айнан тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг ўзиёқ тадбиркорлик жамиятимиз ҳаётида қандай ўрин тутишини яққол кўрсатиб турибди.

Қайд этиш жоизки, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини одил судлов йўли билан тиклаш механизмлари ҳам такомиллашиб бормоқда.

2017 йил давомида иқтисодий судлар томонидан хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжалиқларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид 24 286 та ишлар кўрилиб, уларнинг фойдасига 918,3 млрд. сўм ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинганининг ўзиёқ бунинг ёрқин далилидир.

Энг муҳими, бугунги кунда мамлакатимизда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳар қачонгидан ҳам устувор вазифага айланди.

Б. САЙФУЛЛАЕВ,
Олий суд судьяси,

Ш. НАЗАРОВ,
Олий суд катта консултанти

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017 // <http://prezident.uz/uz/lists/view/1371>.

²<http://www.mspbank.ru>; <http://www.giac.ru>; <http://www.m-economy.ru>. сайти маълумотлари.

³Финк Т. А. Малый и средний бизнес: зарубежный опыт развития // Молодой ученый. – 2012. – №4. – С. 177-181.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017 // <http://prezident.uz/uz/lists/view/1371>.

⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 07.12.2017 // <http://prezident.uz/uz/lists/view/1328>.

СУД ҲУКМИНИ ТЕКШИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ АСОСЛАРИ

Суд ҳукми жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ёки бошқа таъсир чораси қўлланилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги ҳақидаги жиноят суд иш юритувининг асосий вазифаларини ҳал этадиган, суд муҳокамасига яқун ясайдиган, Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган одил судловнинг муҳим ҳужжати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 11-моддаси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 23-моддасига мувофиқ жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Суд ҳукм чиқаришда, Конституция ва ЖПКда белгиланган жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилади.

Иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилганидан кейингина чиқарилиши мумкин. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Судланувчининг жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

Ҳукмда судланувчининг жинойий ҳаракатларини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган далилларга асосланганда суд уларнинг мазмунини ёритиши ва тегишли баҳо бериши лозим.

ЖПКнинг 462-моддасига мувофиқ суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкин. Ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилган.

Суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқараётганда ЖПКнинг 457-моддаси талабларига мувофиқ судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатан содир этилганлигини; бу қилмиш жиноят деб ҳисобланиши ва у Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилганлигини; бу қилмишни судланувчи содир этганлигини; судланувчи жиноят содир этилишида айблилигини; фуқаровий даъво қаноатлантирилиши кераклигини; фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланган мол-мулкни нима қилиш кераклигини; ашёвий далиллар нима қилинишини; процесс чиқимлари кимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юкланиши; судланувчига

нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилишни, лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш масалаларини ҳал қилиши лозим.

Бундан ташқари, суд айблов ҳукми чиқаришда судланувчининг жавобгарлигини энгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар борлигини; судланувчи содир этган жинояти учун жазоланишини; судланувчига қандай жазо тайинланиши ва у шу жазони қандай ўташини; судланувчини Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ ўта хавfli рецидивист деб топиш ёки топмасликни; фуқаровий даъво кўзғатилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган мулкый зарар ундирилиши кераклигини, судланувчилар шериклик ёки ҳиссадорлик тартибида жавобгарликка тортилишини; судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш зарурлиги масалаларини белгилаши лозим.

Таъкидлаш жоизки, биринчи инстанция суди ҳукми эълон қилгандан сўнг унинг яқунловчи қисмида судланувчига ҳукмдан норози бўлган тақдирда шикоят қилиш ҳуқуқини тушунтириб қўяди.

Шундан келиб чиқиб, айбланувчи ёки унинг қонуний вакили ҳукмдан норози бўлиб, апелляция ёки кассация шаклида юқори турувчи инстанцияга мурожаат қилиши мумкин.

ЖПКнинг 55-бобида ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш шартлари белгиланган бўлиб, унга кўра, суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилиши мумкин.

Ишни юқори суд томонидан кўриш ушбу Кодекснинг 497²-моддасида кўрсатилган шахсларнинг шикоятларига ва протестларига биноан, кассация тартибида 498-моддада кўрсатилган шахсларнинг шикоятларига ва протестларига биноан, назорат тартибида қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган суд раиси, прокурор ёки улар ўринбосарларининг протестларига биноан, янги очилган ҳолатлар муносабати билан эса, қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган прокурор ёки унинг ўринбосари протестига биноан амалга оширилади.

Шикоят ёки протест тушганлиги тўғрисида суд шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, процеснинг ана шу иштирокчиларига маълум қилади ва айни вақтда мазкур ҳужжатларнинг нусхасини маҳкумга, жабрланувчига ва оқланган шахсга жўнатади. Кўрсатилган шахслар иш билан, шу жумладан қўшимча тақдим этилган материаллар билан танишишга ҳамда судга ўз эътирозларини билдиришга ҳақлидир.

Апелляция ёки кассация шикояти берган шахс, шунингдек берилган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, ана шу процесс иштирокчилари суд томонидан ишнинг кўрилиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинади.

Маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида иштирок этишга ҳақлидир. Мазкур

шахслар ишни кассация ва назорат тартибида кўриш чоғида ҳам иштирок этишга ҳақлидир, жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкум бундан мустасно. Жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумнинг кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисида иштирок этиши, шунингдек уни суд мажлисига олиб келиш зарурлиги масаласини суд ҳал қилади. Иш кўриладиган жой ва вақт ҳақида ўз вақтида огоҳлантирилган мазкур шахсларнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганликлари ишни кўришга монелик қилмайди. Лекин, суд маҳкумни, оқланган шахсни, шунингдек жабрланувчини, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни ва уларнинг вакиллариини тушунтириш бериш учун чақириши мумкин.

Апелляция, кассация, назорат инстанциясида иш кўриш давомида процесс иштирокчилари иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар, мутахассисларнинг фикрлари ва бошқа қўшимча материалларни тақдим этишга ҳақлидирлар. Бундай материаллар суд томонидан ишни кўришга тайёрлаш вақтида ҳам талаб қилиб олинishi мумкин.

ЖПКнинг 484-моддасида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари келтирилган.

Унга кўра, апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги; ҳукмда баён қилинган суд ҳулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги; ушбу Кодекс нормаларининг жиддий бузилганлиги; Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги; жазонинг адолатсизлиги асос бўлиши мумкин.

Дастлабки тергов ва суд терговининг камчиликларини ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш пайтида бартараф этишнинг имкони бўлмаса, ҳукм бекор қилиниши лозим.

Ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция суди Жиноят кодексини нотўғри қўлагани ёхуд жиноятнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган жазо белгилагани аниқланса, суд ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан, ҳукмга зарур ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

Юқори суд ҳукм ёки ажримни (қарорни) бекор қилган тақдирда жиноят ишини бошқа судья ёки судьяларнинг бошқа таркиби янгидан кўриши учун ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқарган судга ёхуд бошқа судга юборади.

Шу ўринда бир мисолга эътибор қаратсак. Биринчи инстанция судининг ҳукмига кўра, А.Бозорбоев (матнда исм-фамилиялар ўзгартирилган) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 209-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди билан оқланиб, унинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 167-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б», «в», «г» бандларидан ушбу Кодекс 205-моддасининг биринчи қисмига қайта квалификация қилиниб, унга нисбатан 1 йил муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Фуқаровий даъвогарга жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни фуқаролик

суд ишларини юритиш тартибида ундириш ҳуқуқлари тушунтирилган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 5 майдаги ажрими билан туман прокурорининг илтимосномаси қаноатлантирилиб, А.Бозорбоев тумандаги умумтаълим мактабининг директори лавозимидан четлаштирилган.

А.Бозорбоев 2014 йил май ойидан 2017 йил май ойига қадар умумтаълим мактаби директори вазифасида ишлаб, мансабдор шахс бўлгани ҳолда мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, 22 нафар ходимга 40 963 600 сўм устама пулларини нотўғри тўлаб юборган. Бундан ташқари, ўрта-махсус маълумотли ва мутахассислиги таълим йўналишига тўғри келмаган икки нафар ходимни мактаб психологи ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига тайинлаб, уларга 11 164 100 сўм иш ҳақи тўлаган. Шунингдек, 42 нафар ходимга бажармаган дарс соатлари учун 824 300 сўм иш ҳақини ва бир нафар ходимга ҳомиладорлик ва туғиш таътил пулларини ортиқча ҳисоблаб, 824 300 сўм пулларни нотўғри тўлаган, шунингдек бир нафар малака тоифасига эга бўлмаган ходимга 2-тоифа учун 1 409 900 сўм иш ҳақини ортиқча тўлаб, давлат манфатларига жами 55 077 100 сўм, яъни кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлганликда айбли деб топилган.

Судланган А.Бозорбоев ўзининг кассация шикоятда ўқитувчилар томонидан ортиқча олинган ҳақларини қайтариб беришлари хусусида ёзиб берган тушунтириш хатларига асосан ортиқча тўлаб юборилган жами 55 077 100 сўм устама ҳамда иш ҳақлари ўз вақтида молия бўлими томонидан қайтариб олинмаганини, илгари ҳам назорат-тафтиш ходимлари томонидан текширишлар ўтказилиб, шунга ўхшаш камчиликлар аниқланган бўлса-да, ушбу ҳолатларга ҳеч қандай чоралар кўрилмаганини, ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлигини ва ноҳақ судланганини кўрсатиб, ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо беришни, тайинланган муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш жазосини жарима жазосига алмаштиришни ҳамда лавозимига қайта тиклашни сўраган.

Аниқланишича, биринчи инстанция суди томонидан тегишли қонун ва Олий суд Пленуми қарори талаблари бажарилмаган.

Жумладан, суд А.Бозорбоев ўз ҳаракатларини қасддан содир этган-этмаганини, жиноят содир этишда ғараз мақсадлар бўлган-бўлмаганини аниқламаган.

А.Бозорбоевнинг кадрлар етишмагани сабабли мактаб психологи ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига ўрта-махсус маълумотли ходимларни тайинлагани тўғрисидаги вазлари текширилмаган, иш ҳақлари асосиз ортиқча тўланганлиги сабаблари аниқланмаган.

Бинобарин, судлов ҳайъати А.Бозорбоевга оид суд ҳукмини бекор қилишни, ишни янгидан суд мажлисида кўриш учун жиноят ишлари бўйича туман судига юборишни, кассация шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017

йил 21 октябрдаги Фармонига кўра, 2017 йилнинг 1 апрелидан Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, суд муҳокамасини адолатли ва ўз вақтида ўтказиш, жазонинг адолатли ва инсонийлиги кафолатларини кучайтиришни инобатга олган ҳолда одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгартишлар киритилди, жумладан, қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилди.

Жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди.

Ушбу чораларнинг жорий этилиши, фуқароларнинг эркинлигини асоссиз чеклашга барҳам бериш, суриштирув ва тергов органларининг масъулияти ва фаолияти самарадорлиги ошишини таъминлайди.

«Хабеас корпус» институти қўлланишини янада кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди.

Бундан ташқари, судга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилган тақдирда муқобил эҳтиёт чорасини қўллаш имконияти берилди.

Судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича яқуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз кечиктиришни бартараф этиш, судларнинг жиноят процессидаги ролини оширишга қаратилган янгилик сифатида суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди.

Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини қайта кўриб чиқишнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, шунингдек суд процесси муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортиқча оралик инстанцияларни бартараф этиш мақсадида вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибида қайта кўриш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялар тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш ваколати бекор қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар инсон манфаатларини кўзлаган бўлиб, улар одил судловни таъминлаш ва адолатни қарор топтириш, фуқароларимизнинг судга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Х. КАМОЛОВ,
жиноят ишлари бўйича
Бўз туман суди раиси

СУДЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИНГ ТУГАЛЛАНИШИ ВА УНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ОЛИБ ТАШЛАШ ТАРТИБИ

Судланганлик ҳолатини олиб ташлашнинг ҳуқуқий асослари қонунларимизда батафсил баён қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (ЖК) XIV боби «Судланганлик» деб номланиб, унинг 77 – 80-моддаларида судланганликнинг ҳуқуқий аҳамияти, судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва судланганликнинг олиб ташланиши тўғрисидаги қоидалар берилган. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг (ЖПК) 544-моддасида судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тартиби белгиланган.

Судланганлик шахснинг унга суд ҳукми билан жазо қўлланилишидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолати бўлиб, мазкур шахсга нисбатан жиноят-ҳуқуқий ва умумҳуқуқий хусусиятга эга муайян салбий оқибатлар келиб чиқишида намоён бўлади. Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган, суд томонидан жазодан озод қилинган шахс эса судланмаган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2015 йил 18 сентябрдаги 13-сонли қарорининг 2-бандига кўра, куйидаги ҳолларда шахс судланмаган ҳисобланади, агар унга нисбатан: жазо тайинланмаган ҳолда айблов ҳукми чиқарилган (ЖКнинг 70, 71, 76-моддалари) ёхуд шахс бир вақтнинг ўзид асосий ва қўшимча жазодан биринчи, апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан озод қилинган (ЖКнинг 69, 75, 76-моддалари) бўлса; тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган бўлса (ЖКнинг 94-моддаси).

Куйидаги асосларга кўра, жиноий жавобгарликдан озод этилган шахс ҳам судланмаган ҳисобланади: жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан (ЖКнинг 64-моддаси); қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлиликни йўқотганлиги муносабати билан (ЖКнинг 65-моддаси); айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан (ЖКнинг 66-моддаси); жиноят содир этган шахс жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан (ЖКнинг 66¹-моддаси); жиноят содир этган шахс касаллиги туфайли (ЖКнинг 67-моддаси); амнистия акти қўлланилганлиги муносабати билан (ЖКнинг 68-моддаси).

Судланганлиги тугалланмаган ва олиб ташланмаган шахс томонидан янги жиноят содир этилганда судланганлик ҳолатининг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари куйидагиларда ифодаланади: судланганлик қатор ҳолларда жиноят квалификациясига таъсир этувчи, яъни жиноий жавобгарликни кучайтирувчи ҳолат ҳисобланади; судланганлик муайян ҳолларда шахснинг ўта хавфли рецидивист деб топилишига асос бўлади (ЖКнинг 34-моддаси); судланганлик, агар шахс муқаддам озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ўтаган бўлса, жазони ижро этиш колонияси турини белгилаш учун аҳамият касб этади (ЖКнинг 50-моддаси); судланганлик жазони оғирлаштирувчи ҳолат си-

фатида эътироф этилади (ЖКнинг 56-моддаси); илгари содир этилган жинояти учун жазо ўтаётган шахс томонидан янги жиноят содир этилган ҳолларда, ҳукмлар мажмуи бўйича жазо белгилашда судланганлик қаттиқроқ қоидалар қўлланилишига сабаб бўлади (ЖКнинг 60-моддаси); тугалланмаган ва олиб ташланмаган судланганлик ҳолатининг мавжудлиги айрим асослар бўйича, масалан, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги (ЖКнинг 66-моддаси), алоҳида ҳолларда эса (оғир ва ўта оғир жиноятлар учун судланганлик ҳолати мавжуд бўлганда), жиноят содир этган шахс жабрланувчи билан ярашганлиги (ЖКнинг 66¹-моддаси) муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилишига тўсқинлик қилади.

Судланганлик ҳолатининг жиноят-ҳуқуқий оқибати жазодан озод қилиш (ЖКнинг 71-моддаси), шартли ҳукм қилиш (ЖКнинг 72-моддаси), вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов (ЖКнинг 87-моддаси) каби чораларни қўллаш учун моддий қонунда тақиқ мавжудлигида ҳам намоён бўлади.

Қонунда судланганлик ҳолати барҳам топишининг фақат икки усули – унинг тугалланиши ва олиб ташланиши назарда тутилган.

Судланганлик ҳолати тугалланиши шахснинг судланганлиги факти билан боғлиқ барча оқибатларнинг жазо тури ва муддатидан келиб чиққан ҳолда Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтганлиги натижасида ўз-ўзидан барҳам топишини англатади. Бундай ҳолларда судланганлиги тугалланган шахс, унинг вориси, қонуний вакили ёки адвокати илтимосига кўра ҳукм чиқарган суд томонидан судланганлик ҳолати мавжуд эмаслиги фактини тасдиқловчи маълумотнома берилади. Бунинг учун манфаатдор шахс томонидан судга тақдим этилган ички ишлар органлари ахборот маркази маълумотномаси ва жазо ўталганлиги (ижро этилганлиги) фактини тасдиқловчи ҳужжатлар асос бўлади.

Судланганликнинг олиб ташланиши ундан келиб чиққан ҳуқуқий оқибатлар судланганлик ҳолати барҳам топиши учун қонунда белгиланган муддатлар ўтгунига қадар суд қарорига асосан тугатилишини англатади. Судланганлик олиб ташланиши учун шахснинг жазони ўтаб чиққандан кейинги бенуқсон хулқ-атвори (унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чораси қўлланилмаганлиги), жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки шахснинг ўзи ЖК 79-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган муддатлар ўтгандан сўнг берган илтимосномаси асос бўлиши мумкин. Қонун суд тартибидан ташқари амнистия акти ёки афв этиш орқали судланганликни олиб ташлаш имкониятини ҳам назарда тутати.

Судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган пайтдан бошлаб шахс судланмаган ҳисобланиб, ушбу шахс томонидан жиноят содир этилганлиги факти ва унинг учун судланганлик билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатлар бекор бўлади.

Судланганлик ҳолати олиб ташланишини шахсни реабилитация қилишдан фарқлаш лозим. Шахс реабилитация қилинганда давлат унинг жиноят содир этганликда нотўғри айбдор деб топилганлигини тан олади. Судланганлик ҳолати олиб ташланганда шахс томонидан жиноят содир этилганлиги факти инкор этилмай, фақат жинойий жавобгарликка тортиш оқибатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

ЖК 13-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга. Шу муносабат билан, агар суриштирув, дастлабки тергов олиб борилаётган, иш судда кўрилаётган ёки шахс жазо ўтаётган даврда унинг томонидан содир этилган қилмиш жиноийлигини бекор қиладиган қонун қабул қилинса, бундай ҳолда шахс жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилинади ҳамда қилмиш жиноийлигини бекор қилган қонун кучга кирган пайдан судланмаган ҳисобланади. Бу қоида жазони ўтаб бўлган, бироқ судланганлик ҳолатида бўлган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Қонунга мувофиқ судланганлик ҳолати тугалланиши ёки олиб ташланиши муддатларини (ЖКнинг 78, 80-моддалари) ҳисоблаш асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки синов муддати тугаган кундан бошланади. Масалан, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш жазоларига қўшимча сифатида муайян мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо тайинланган бўлса, бу жазо қайд этилган асосий жазоларни ўташнинг барча вақтига татбиқ этилиб, судланганлик ҳолати тугалланиши ёки олиб ташланиши муддатлари эса қўшимча жазо ўтаб бўлинган пайдан бошлаб ҳисобланади.

Жарима ёки ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилиниб, бошқа жазо турига алмаштирилган шахснинг судланганлик ҳолати тегишлича ЖК 78-моддасининг «г», «д», «е», ж» бандларида кўрсатилган муддат ўтиши билан тугалланади. Бундай ҳолда, судланганлик ҳолати муддатининг тугаши ЖК 80-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, ЖК 44-моддасининг учинчи қисми ёки 46-моддасининг тўртинчи қисмига кўра белгиланган жазо тури ўталган кундан бошлаб ҳисобланади.

ЖК 80-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ озодликдан маҳрум қилиш жойларидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, шунингдек жазоси енгилроғи билан алмаштирилган (ЖКнинг 73, 74-моддалари) шахснинг судланганлик ҳолати тугалланиши масаласини ҳал этишда суд томонидан белгиланган жазо муддатидан эмас, балки озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган пайтга қадар амалда ўталган жазо муддатидан келиб чиқиш лозим. Бунда, судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати озодликдан маҳрум қилиш жойларидан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсга нисбатан ЖКнинг 73-моддаси қўлланилган пайдан, жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахсга нисбатан эса, ЖКнинг 74-моддасига мувофиқ белгиланган енгилроқ жазо ўталган пайдан бошлаб ҳисобланади.

ЖКнинг 80-моддасида белгиланган судланганлик ҳолати тугалланишини ҳисоблаш тартиби (амалда ўталган жазо муддатидан келиб чиққан ҳолда жазо ўтаб бўлинган ёки жазони ўташдан озод қилинган пайдан бошлаб) енгилроқ жазони назарда тутувчи янги қонун меъёрига асосан жазоси қисқартирилган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолати муддати тугамай туриб яна жиноят содир этган ҳолларда, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддат тўхтатилади.

Судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилганда илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолати муддати шахс янги жиноят учун тайин-

ланган жазони ўтаб бўлгандан сўнг янгидан ҳисоблана бошлайди, судланганлик ҳолати ўтаётган даврда содир этилган янги жиноят учун тайинланган жазо оғирроқ бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолда, судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати янги жиноят учун тайинланган жазо муддатидан келиб чиқиб аниқланади.

Жиноят қонуни мазмунига кўра, судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати жазо билан, шу жумладан, бир неча жиноятлар учун (жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича) тайинланган жазо билан бевосита боғлиқ. Шахсга жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича (ЖКнинг 59, 60-моддалари) жазо белгилашда барча қилмишларнинг оғирлигини инобатга олиб, узил-кесил жазо тайинланиши туфайли, бундай ҳолда судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати узил-кесил жазо тури ва муддатидан келиб чиқиб ҳисобланиши лозим.

Айни пайтда, агар жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича суд томонидан ҳар хил турдаги, ҳар қайсиси алоҳида ижро этиладиган жазо (ЖК 61-моддасининг иккинчи қисми) тайинланган бўлса, судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати жазо тизимида (ЖКнинг 43-моддаси) назарда тутилган оғирроқ жазо муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади.

ЖПК 544-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома судланганлик ҳолати мавжуд шахс, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг ёхуд жамоат бирлашмаси ёки жамоа томонидан жазони ўтаб чиққан шахс яшаш жойидаги туман (шаҳар) судига берилиши мумкин.

Судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш масаласини ҳал этишда суд судланганлик ҳолати мавжуд шахснинг қонунга итоаткор турмуш тарзини тасдиқловчи ҳолатларни (ҳуқуқбузарлик мавжуд эмаслиги, жазо ўташдан озод қилингандан кейинги хулқ-атвори, ишлаш ва яшаш жойидан ижобий тавсифномалар, ички ишлар органи ахборот маркази маълумотномаси мавжудлиги ва ҳ.к.) аниқлаши зарур.

ЖПК 544-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисида такрорий илтимоснома уни рад этиш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб камида бир йил ўтгандан кейин берилиши мумкин.

Судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги ажрим ҳукм чиқарган судга ва ички ишлар органларининг ахборот марказига юборилиши лозим.

Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланиши муддатларини тўғри ҳисоблаш учун судланувчининг шахсига оид маълумотларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ишни судда кўриш учун тайинлаш чоғида судлар иш материалларида ички ишлар органларининг ахборот марказидан, шу жумладан, судланувчининг туғилган ва доимий яшаш жойидан олинган маълумотномалар мавжудлигини текширишлари, судланувчига нисбатан муқаддам чиқарилган ҳукмлар, муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги ажримларни талаб қилиб олишлари ва синчиклаб ўрганиб чиқишлари лозим.

Б. ИСЛАМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар суди раиси

ЖИНОЯТ ВА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқий муҳофазанинг алоҳида объекти сифатида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, шаъни ва қадр-қиммати белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий усулларида бири фуқаронинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарни тўлаш ҳисобланади.

Одатда, зарар етказиш ҳолларида зарар етказган шахс билан жабрланувчи шартномавий муносабатларда бўлмайди.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Бу мажбуриятлар шартномавий муносабатлардан ташқари, шахсга ёки мол-мулкка ғайриқонуний хатти-ҳаракат натижасида етказилган зарарларни қоплашга қаратилган.

Зарар етказганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлиши шарт:

- а) зарар етказилганлиги (мавжудлиги);
- б) зарар етказувчи шахс ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ҳуқуққа хилофлиги;
- в) етказилган зарар билан ҳуқуққа хилоф қилмиш ўртасида сабабий боғланиш;
- г) зарар етказувчи шахснинг айби ёки зарар етказувчи шахс хатти-ҳаракатларини назорат қилиш мажбурияти юкланган шахснинг айби.

Зарар деганда, ҳуқуқбузарлик натижасида жабрланувчига тегишли мол-мулкнинг, мулкий ҳуқуқ ҳажмининг камайишида ёки йўқотилишида намоён бўладиган моддий зарар ёки номоддий неъматнинг (жисмоний шахснинг ҳаёти ёки соғлиғини) шикастланиши ёинки ундан маҳрум бўлиниши тушунилади. Шу сабабли, зарар моддий ёхуд жисмоний характер касб этади. Моддий зарар кўрган жабрланувчи жисмоний шахс ҳам, юридик шахс ҳам бўлиши мумкин. Жисмоний зарар бўйича жабрланувчи фақат фуқаро бўлади.

Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар, шунингдек маънавий зарар ўзига хос хусусиятларга эга бўлишини ҳисобга олиш лозим.

Етказилган зарар тўлиқ ҳажмда, бой берилган фойдани ҳам қўшиб ҳисобга олган ҳолда ундирилади.

Шахснинг бузилган ҳуқуқини, нобуд бўлган ёки шикастланган мол-мулкни тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган ҳаракатлари ҳақиқий (реал) зарар ҳисобланади.

Қонунда етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш умумий қонундан истисно назарда тутилиши мумкин.

Умумий қоидага кўра, зарарни тўлаш мажбурияти бевосита зарар етказувчига юкланади. Айни пайтда қонунда етказилган зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказган шахсга эмас, балки унинг хатти-ҳаракатлари учун масъул бўлган ёхуд унинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиши шарт бўлган шахсларга ҳам юкланиши мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномадан ташқари товон тўлаш мажбурияти юкланиши ҳам мумкин. Фуқарони ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар оқибатларини юмшатиш учун қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада товон тўловлари назарда тутилади. Ушбу чоралар фуқаролик-ҳуқуқий ижтимоий ҳимоя воситаси ҳисобланади.

Зарар етказганлик учун жавобгарликни қўллаш асоси сифатида зарар етказувчининг айби мавжуд бўлиши керак. Зарар етказувчи айбининг шакли қонун ҳужжатларида бевосита белгилаб қўйилган ҳоллардагина ҳуқуқий оқибатларга эга бўлади. Қолган ҳолатларда қасд ёки эҳтиётсизликдан қатъи назар, қилмиш тўлақонли айб асосида содир қилинган ҳисобланади, яъни айбнинг ҳар қандай шаклида етказилган зарар тўлиқ ҳажмда ундирилади.

Зарар етказган шахс, агарда бунда ўзининг айби йўқлигини исботлаб берса, яъни форс-мажор ҳолатлари рўй берган ёхуд учинчи шахсларнинг айби мавжуд бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. ФКнинг 333-моддасида (мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик) ҳам айбсизликни исботлаш бурчи зарар етказган шахс зиммасига юкланади. Ушбу ҳолатда айбдорлик презумпцияси намоён бўлади, яъни зарар етказган шахс қонунда белгиланган тартибда ўзининг айбсизлигини исботлаб бермагунча, айбдор ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, айб деликт бўйича жавобгарликни белгилашда қатъий, яъни мутлақ зарурий асос эмас. Қонунда зарар етказувчининг айби бўлмаганда ҳам зарарни тўлаши назарда тутилиши мумкин. ФКнинг 993, 996, 999-моддаларида зарарни тўлаш мажбурияти айб категориясини қўллаш мумкин бўлмаган шахсларга (муомага лаёқатсизлиги сабабли) ёки зарар етказишда айби бўлмаган шахсларга юкланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Жавобгарлик шarti сифатида зарар етказувчи хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги)-нинг ҳуқуққа хилофлиги зарар етказувчи хатти-ҳаракатининг ғайриқонунийлигини, яъни бошқа шахснинг субъектив ҳуқуқи бирор тарзда бузилишини англатади. ФК 9-моддасининг бешинчи қисмига кўра, фуқаролар ва юридик шахслар бошқа шахсларга зарар етказишга қаратилган ҳаракатларни содир этмасликлари шарт. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бош деликт тамойилига асосланади, яъни, агарда қонун ҳужжатларида белгиланган бўлмаса, ҳар қандай зарар етказиш ҳуқуққа хилоф ҳисобланади.

Ҳуқуққа хилофликни қонун ҳужжатларида белгиланган тақикни бузишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш билангина боғламаслик керак. Ҳуқуққа хилофлик доираси фақат бу билан чекланмайди, балки ундан кенгрок, яъни у бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилувчи ҳар

қандай зарар етказишдан иборат.

Ҳуқуққа мувофиқ (қонуний) ҳаракатлар натижасида етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳоллардагина тўланиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги икки ҳолат мавжуд бўлганида зарарни тўлаш рад этилиши мумкин:

зарар жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги билан етказилган бўлса;

зарар етказувчининг ҳаракатлари жамиятнинг ахлоқий тамойилларига путур етказмаса.

Жамиятнинг ахлоқий тамойиллари суд томонидан ҳар бир конкрет ҳолатдан келиб чиқиб ҳисобга олинади. Бундай тамойиллар доирасида умуминсоний (инсонпарварлик, адолат, бағрикенглик, ачиниш ва ҳ.к.) ва миллий-диний қадриятлар (сахийлик, меҳмондўстлик, садокат, вафодорлик, иффа-ҳаё, катталарга ҳурмат ва итоаткорлик кабилар) киритилиши мумкин.

Шу ўринда суд амалиётидан олинган мисолга эътибор қаратамиз. Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2013 йил 17 октябрдаги 226-сонли хулосасида А. Жумаева ва Х. Жумаев (матнда исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўлимига автомашинанинг уриб юбориб, ғилдирак балони босиб ўтишидан ҳосил бўлган жароҳатлар сабаб бўлгани кайд этилган.

Ушбу ҳолат юзасидан кўзғатилган жиноят иши юзасидан жавобгар С. Алиев жиноят ишлари бўйича туман судининг 2013 йил 9 ноябрдаги ҳукмига асосан Жиноят кодекси 266-моддасининг учинчи қисми ва 117-моддасининг иккинчи қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

Суднинг ушбу ҳукми жиноят ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилиб, маҳкум С. Алиев Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги Қарорига биноан тайинланган жазони ўташдан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги 11-сонли қарорининг 4-бандига кўра, айрим фактлар исботлаш предметига кирмайди ва исботлашга муҳтож эмас, чунончи, суд ҳаммага маълум деб топган ҳолатлар, суднинг қонуний кучга кирган фуқаролик иши бўйича ҳал қилув қарори ва жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми билан аниқланган фактлар шулар жумласидандир.

Марҳумларнинг отаси К. Жумаевнинг ёзган шикояти бўйича даъвогар — туман прокурори унинг манфаатларини кўзлаб судга жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида асосли равишда даъво аризаси билан мурожаат этган.

Фуқаролик кодекси 985-моддасининг биринчи қисмига биноан ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган за-

рар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Суд даъво талабида моддий ва маънавий зарар 11 000 000 сўм деб белгилаган бўлса-да, шундан қанчаси моддий ва қанчаси маънавий зарарни ташкил этиши аниқ баён этилмаганлигини, қонунда фақат дафн харажатлари қопланиши назарда тутилганлигини ҳисобга олиб, дафн этиш учун зарур бўлган харажатларни ўртача 1 000 000 сўмдан, жами 2 000 000 сўм деб белгилашни лозим топади.

Фуқаролик кодекси 1016-моддасининг биринчи қисмига асосан, жабрланувчи ва-фот этганлиги туфайли кўрилган зарар учун жавобгар шахслар дафн этиш учун зарур бўлган харажатлар ўрнини бу харажатларни қилган шахсга тўлашлари шарт.

Шунингдек, суд даъвонинг маънавий зарарни ундириш ҳақидаги қисмини муҳокама қилиб, жавобгарнинг жиноий ҳаракатлари К. Жумаевнинг икки нафар вояга етмаган фарзандларининг бевақт ўлимига сабаб бўлганлиги, бу эса унинг ота сифатида биратўла икки фарзанди изтиробида руҳан азобланишига олиб келганлиги боис, унга маънавий зарар етказилган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2000 йил 20 апрелдаги 7-сонли қарорининг 2-бандига асосан, маънавий зарар деганда, жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғрик, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқалар) азоблар тушунилади.

Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига мувофиқ маънавий зарарни етказувчи шахснинг айби бўлган тақдирда, у зарар етказувчи томонидан тўланиши лозим, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса, қопланади, 1022-моддасига кўра, маънавий зарар пул билан қопланади, маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти, маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади, маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар қопланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, етказилган зарарнинг суд тартибида ундирилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалда самарали ҳимоя қилиш ва инсонпарварлик тамойилига тўлиқ риоя этиш имконини бермоқда.

Ғ. ВОҲИДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент вилоят суди раиси ўринбосари

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ

Фуқаролик ҳуқуқининг табиатига кўра, кўпчилик мажбуриятлар мулкӣ муносабатлардан иборат бўлиб, мол-мулкни эгаликка ўтказиб бериш, қарз учун тўлов сифатида ёки кредит тарзида пул бериш, курилиш ишларини бажариш, турли хил хизматлар кўрсатиш ва бошқалардан ташкил топади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда қонунда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Мажбурият мазмуни ҳар қандай қонуний ҳаракатлар бажарилишини талаб қилиш ва мажбуриятини олиш ҳуқуқидан иборат бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234-моддасига кўра, мажбурият фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса, қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Кўриниб турибдики, мажбурият қарздорнинг ҳаракатни бажариш (ҳаракатдан тийилиш) мажбуриятдан ва кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқидан иборат оддий бир тартибда тасвириб берилган. Амалда эса, мажбуриятли ҳуқуқӣ муносабатлар кўпинча мураккаб механизмдан иборат бўлади, зеро тарафларнинг ҳар қайсиси ҳам бир вақтнинг ўзида қарздор ва кредитор сифатида намоён бўлади. Қарздор ўз зиммасига бир вақтнинг ўзида муайян ҳаракатни бажариш ва маълум бир бошқа ҳаракатдан тийилиш мажбуриятини олиши мумкин. Масалан, ижарачи тегишли тўловни тўлаб бориши, зарур бўлганда ижара мулкни таъмирлаши зарур, айна чоғда унга шикаст етказувчи ёки унинг йўқолишига сабаб бўлувчи ҳаракатлардан тийилиши шарт. Умуман олганда, мажбурият, одатда, қандай хатти-ҳаракатлар ким томонидан, қачон ва қай тарзда бажарилиши лозимлигини белгилайди.

Мажбуриятнинг вужудга келиши учун алоҳида юридик фактлар ёки юридик ҳаракатлар мавжуд бўлиши лозим. Мажбуриятнинг вужудга келиши учун шартнома кенг тарқалган асос бўлиб хизмат қилади. Шартнома деганда, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик муносабатларини ўрнатиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви англашилади. Фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи, жисмоний ёки юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарар натижасида вужудга келган мажбурият бу зарарни зиён кўрганга тўлиқ ҳажмда, шу жумладан, бой берилган фойдани қўшган ҳолда қоплаб бериш ва қонунда назарда тутилган ҳолатларда етказилган маънавий зарар учун ҳам товон тўлаш шартлигида ифодаланади. Мажбуриятнинг вужудга келиши учун фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашга қаратилган суд қарори алоҳида асос бўлиши мумкин.

Фуқаролик қонунчилигимизда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари келтирилган. Неустойка, гаров, ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат ва закатат шулар жумласидандир.

Фукаролик кодексининг 341-моддасига асосан мажбурият, қоида тариқасида, унинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлади.

Ўз навбатида, мазкур Кодекснинг 324-моддасига асосан қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, борди-ю талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўлмаса, даъво қўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Суд амалиётида мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича манфаатдор шахсларлар томонидан киритилган даъволар кўпчиликни ташкил қилади.

Хусусан, «Тезкор қурилиш» МЧЖ ва «Сифатли қурилиш» МЧЖ ўртасида 2015 йил 1 декабрда 1-сонли шартнома тузилган. Унга кўра, «Сифатли қурилиш» МЧЖ «Тезкор қурилиш» МЧЖнинг материалларидан фойдаланиб, Тошкент Олий Қўшин Қўмондонлик билим юрти биносига ташқи сув оқава тизими қурилиш ишларини берилган лойиҳа ҳужжатларига асосан бажариш мажбуриятини олган. Даъвогар — «Тезкор қурилиш» МЧЖ шартнома шартларини бажариб, бажариладиган ишлар учун 83 000 000 сўм миқдоридаги пул маблағларини ўтказиб берган. Бироқ, шартнома мажбуриятлари жавобгар томонидан сифатсиз бажарилиб, лойиҳада белгиланган трубалар ётқизилмаганлиги, трубалар синиб кетганлиги ёки қиялик тўғри ушланмаганлиги сабабли тескари оқиш ҳолатлари кузатилган. Жавобгар томонидан бажарилган ишлар бузилиб, даъвогар томонидан барча ишлар қайтадан бажарилган.

Шу боис, даъвогар сифатсиз бажарилган ишлар учун тўланган жами 83 000 000 сўм маблағни қайтаришни ҳамда тўлов кечиктирилган кунлар учун ҳисобланган 41 500 000 сўм пеняни ундиришни сўраб, вилоят иқтисодий судига мурожаат қилган. Суднинг 2017 йил 2 июндаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 83 000 000 сўм асосий қарз, 8 300 000 сўм пеня ундириб берилган.

Тўрақўрғон туманидаги «Мўл ҳосил» фермер хўжалиги ва «Тўрақўрғон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ўртасида 2013 йил 2 декабрда 1-сонли юк ташиш шартномаси тузилган. Шартномага асосан фермер хўжалиги томонидан 42 792 516 сўмлик ишлар бажарилган. Бироқ, жавобгар — «Тўрақўрғон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажарилмасдан, ташилган юклар учун тўловлар амалга оширилмаган. Натижада жавобгарнинг 42 792 516 сўм миқдоридаги қарздорлиги вужудга келган, бу иш ҳужжатларида мавжуд бўлган ҳисоб-фактура ҳамда тарафлар ўртасида тузилган солиштирма да-лолатнома асосида ўз тасдиғини топган. Суднинг 2017 йил 23 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилиб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 42 792 516 сўм қарздорлик ундириб берилган.

Кўриниб турибдики, мажбуриятлар аксарият ҳолларда шартномалардан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ва иқтисодий судлар эса, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низоларни кўриб чиқувчи ваколатли суд органлари ҳисобланади.

Юридик шахслар ёки юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган жисмоний шахслар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади. 2017 йилнинг 1 июнига қадар мазкур судлар хўжалик судлари деб номланиб, суд ҳокимиятининг алоҳида тармоғи ҳисобланган ва юқори органи Олий хўжалик суди ҳисобланган. 2007 йил 15 июнда қабул қилинган «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 163-сонли қарори ҳозирда ҳам амалда бўлиб, мазкур тоифадаги низоларни кўриб чиқиш суд амалиётини бир хилда шакллантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қарорда мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик билан боғлиқ низоларни қонуний ҳал этишга қаратилган муҳим тушунтиришлар судларга берилган. Ҳозирги кунда иқтисодий судлар фаолиятида ушбу қарор қўлланилмоқда.

Ишларни кўришда нафақат кредитор, балки қарздорнинг ҳам манфаатлари инобатга олиниши лозим. Бу борада яна суд амалиётига мурожаат этсак. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Самарқанд минтақавий филиали манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси судга мурожаат қилиб, «Шодия сервис» МЧЖ ҳисобидан етказиб берилмаган маҳсулот учун вужудга келган 24 963 163 сўм асосий қарз, тўлов кечиктирилган кунлар учун ҳисобланган 54 919 000 сўм пеня ҳамда 33 284 217 сўм жарима ундиришни сўраган. Иш 2017 йил 20 июнда кўриб чиқилиб, даъвогарнинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, даъвогар фойдасига 24 963 163 сўм асосий қарз, 33 284 217 сўм жарима, жами 58 274 380 сўм ундирилган. Ўз навбатида, суд низо бўйича якуний тўхтамга келишда айнан юқорида кўрсатилган Пленум қароридан фойдаланган. Яъни, суд Пленум қарорининг 3-бандига асосан, агар шартномада айнан битта мажбуриятнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня кўринишида тўлаш назарда тутилган бўлса, қонунчиликда бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, даъвогар фақатгина бир шаклдаги неустойка қўллашни талаб қилишга ҳақли эканлигини асос қилиб, даъвонинг 54 919 000 сўм пеня ундириш қисмини қаноатлантиришни рад этган. Бу билан қарздор (ўз навбатида, бошқа бир тадбиркорлик субъекти) шартнома бўйича битта мажбуриятини бажармаганлик учун неустойканинг ҳар икки кўриниши бўйича ҳам жавобгарликка тортилишининг олди олинган.

А. ДАДАБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш
маркази тингловчиси

Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

АФСУН БИЛАН БАХТ ҚАЙТМАЙДИ

...Гуллола (матндаги барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) тунни билан ухлолмади. Ойнага боқиб кўрдик, бедорлиги юзида ҳам акс этибди: ковоқлари салқиган, териси шишинқираган. Ахир қандаям ухласин, тижорати касодга учради, қолган уч-тўртта молиям сотилмай ётибди. Авваллари ҳар ойда икки марта Туркияга учиб бориб, энг сара кийим-кечак, ётоқхона тўпламларини олиб келарди. Аксига олгандек, бир неча кунки, эри уйига келгани йўқ...

Нонушта ҳам қилмай, бироз чалғиш илинжида таниш косметологи – Комила ҳузурига отланди. Боз устига, у ҳам мижозининг ўзига ўхшамай қолганини айтдики, шундоғам тўлиб турган Гуллола юзига малҳам суртилганига қарамай, дув-дув кўз ёши тўкканча, дардини дoston қилди.

– Э, шунгайм сикиласизми, ҳаммасини ортга қайтарса бўлади, – таскин берди Комила. – Фақат эринмасдан айтганларини қилишингиз керак. Ўзимнинг ҳаётимни изга тушиб кетишига сабабчи бўлгани учун тавсия қиляпман сизга ҳам.

– Қанақасига?

– Кучли фолбин-да!

«ҲОЖАТБАРОР»НИ ИЗЛАБ...

Чўкаётган одам чўпга ёпишганидек, Гуллола Комиладан манзилни олди-да, Чякин дугонаси Элмирага ҳам бу ҳақда хабар берди. Чунки, уй олди-сотдиси билан шуғулланувчи бу аёл ҳам айна кунларда муаммолар гирдобиди: бозори юришмаяпти, якка-ю ягона ўғли оғир касал.

Эртасига икковлон сахармардонлаб Оққўрғон тумани сари йўл олишди. Керакли уйнинг дарвозаси олдига келишгач, билдиларки, фолбин ҳақиқатан ҳам жуда кучлига ўхшайди, акс ҳолда, шунча одам навбат кутиб ўтирмасди.

Гуллола «ҳожатбарор»га бошидан ўтган воқеаларни айтгач, ундан ёрдам сўради. Лена фолбин ўзидан мадад сўраб келган шаҳарлик жувонга аввал бошдан оёқ разм солгач, алланималарни ўқиди.

– Сиз яқинда ўласиз! Чунки, эрингизни илинтирган аёл бир кўғирчокқа исмингизни айтиб ўқитган ва уни мозорга осиб қўйган. Совуқ шамолда кўғирчок, яъни сиз у ёқдан бу ёққа тебраниб кетяпсиз, шунинг учун ҳам кечалари ухлолмайсиз. Юрагингиз оғрийди, шу касаллик билан секин-аста...

– Айтинг, нима қилай, олдини олса бўладими? – кўзларини катта-катта очиб ялинишга тушди Гуллола.

– Э, бу жуда мушкул иш...

– Нима десангиз қиламан, фақат ҳаммасини ортга қайтариб беринг!

– Бунга менинг кучим етмайди. Қари устозим бор, фақат у эплайди бунни, – бироз сукут сақлагач давом этди. – Бунинг учун менга 1000 доллар берасиз, устозимга олиб бораман. У пулни рақамига қараб қирк кун давомида ўқийди. Кейин пулингиз-

ни қайтариб беради...

Элмира ҳам ромчининг ёнидан кўзлари ола-кула бўлиб чиқди. Ахир ўз ўғлининг ўлаётгани, бунга келини – унинг хотини сабабчи эканини эшитган она қандай аҳволда бўлиши мумкин. Агар Ленага минг доллар келтирса... ўғлиям соғаяди, бозориям юришиб кетармиш...

Хуллас, икки дугона: «Ўйлаб кўрайлик», дея ромчига телефон рақамларини колдиришди ва уйларига қайтишди...

ТУЗОҚ

Икки кундан сўнг азонда Гуллоланинг қўл телефони жиринглади:
– Бу мен, Ленаман, келиб-кетганингиздан бери тушимга қиряпсиз, одамларим тезроқ ўқишни бошлашимизни, уйингизни тозалашимни айтишди. Тағин ўзингиз биласиз.

– Пу-пу-пулим йўқ-да.

– Менга уй манзилингизни айтинг-да, қарз олиб туриш, унеча мен етиб бораман.

Гуллола розилик берди-ю, ён кўшнисиникига чиқди. Ўн беш кунда қайтариб бериш шарти билан 1000 АҚШ доллари олди. Сал ўтмай, Лена ўғлининг машинасида етиб келди. Гуллоладан бир пачка пулни олгач, уй «тозалаш»га киришди. Исирик тутатганча хоналарни бирма-бир кезаркан:

– Вах, вах, сизни кўра олмайдиганлар жуда кўп экан, назарланиб кетгансиз, ўргулай, назарланиб. Дуолар жуда кўп бу ерда, – дея башорат қила бошлади у. – Бир таклифим бор, аммо рози бўлиш-бўлмаслик ихтиёрингиз. Менга яна 1500 доллар берсангиз, шу ердаги ҳамма қулфларингизни ечиб бераман. Эрингизнинг ўзи ялиниб келади, ғанимларингизнинг кучи йўқолиб, сизнинг ишингиз юришиб кетади. Аввалгиданам бой-бадавлат бўлиб кетасиз. Ҳа, айтгандай, манов молларингизнинг ҳар биридан бир жуфтдан берасиз.

– Нега?

– Ахир сизнинг нонингиз савдодан келади-ку, уларни уйга обориб қирқ кун ўқийман, харидорларингиз кўпаяди...

Гуллола гўё қармоққа илинган балиқдек эди. Типирчилар, аммо ундан чиқиш учун ўзини чорасиз сезар эди. Шу боисми, лом-мим демасдан Ленага кийим-кечак, ётоқ ўрин-кўрпаси ҳамда қимматбаҳо атирлар – жами 2 миллион сўмлик молини кўшқўллаб топширди-қўйди.

Воқеа шу билан тугади, десангиз адашасиз. Фирибгар фолбин Гуллоланинг соддалигидан чунонам фойдаландики, асти қўяверасиз. У қармоғидаги «тилла балиқча»ни осонликча қўйиб юбормас, аксинча, вақти-вақти билан унинг ҳолидан хабар олиб туришни унутмасди. Бу ёғини сўрасангиз, эр бермоқ жон бермоқ, деганлари рост бўлса керак-да, акс ҳолда, Гуллола 5 300 АҚШ долларини «эрини қайтариб берувчи»га тутказмаган бўларди...

* * *

Элмира-чи, дерсиз? Лена Гуллоланикига келган куни, унча кўнғироқ қилган, тушига қираётгани, уйини «тозаламаса» ўғли узоққа бормаслигини айтиб қўрқитган эди. Онаизор нуридийдасини асраб қолиш илинжида ромчини уйга

киритди. Лена ётоқхонани «тозалаётиб», қаттиқ кичқирди:

– Мана, мана топдим!!! – Ўғлининг кароватининг тагидан занглаб кетган кичкинагина кулфни чиқарди. – Энди буни олиб кетаман-да, ўқийман. Кулфингиз очилиб кетади. 1000 доллар берсангиз...

– Ҳозирча мана шуни олиб турунг, қолганини етказаман, – 360 минг сўмни «ҳожатбарор»нинг қўлига тутқазди Элмира.

Аммо, Лена уни «овора» қилиб қўймади, икки кундан сўнг қолган маблағни олиб кетди.

Илоннинг ёғини ялаган фолбин ваъда қилган фаровон кун келмади. Аммо, қўшнилар қарзга берган пулларини сўраб келишганида кеч эди...

АЙБ КИМДА?

Шу ўринда кичкинагина мулоҳаза, яъни товламачининг қилмишини шкоралашдан олдин ўзимизни бир ойнага тутсак. Сабаби, фирибгарлик содир этилишида фирибгар ва алданувчи бўлади. Иккинчи томоннинг алданишга мойиллиги, сабрсизлиги, муаммолари сабабларини тўғри таҳлил эта олмаслиги ва ҳоказолар бу турдаги жиноятга йўл очади. Иккинчидан, бундай одамлар ўз-ўзидан жамиятда алдоқчиларнинг, фолбинларнинг фаоллашишига йўл очиб беришади.

Фикри ожизимизча, ромчиларни тарғиб қилган, «Менга фойдаси тегди, шунга бор», дея билиб-билмай реклама қилаётган кимсалар учун ҳам амалдаги қонунчилигимизда тегишли жавобгарликни акс эттирувчи меъёрлар киритилса, айти муддао бўларди. Тўғри, муқаддам судланганига қарамай, хатоларидан тўғри хулоса чиқармасдан, яна жиноят йўлига кирган Лена Бакирова тегишли жазога тортилди. Аммо, косметолог Комила сингарилар ўзлари билмаган ҳолда фирибгарларнинг тегирмонига сув қуйиб тургани, фолбиннинг эшиги олдида тумонат одам йиғилса-да, на маҳалла мутасаддилари, на маҳалла нозири, э қўйингки, қўни-қўшнилар «кўрмаган»ини қандай тушуниш мумкин?!

Кўпчилигимиз гувоҳи бўлганмиз: метрога кириш жойларида, бозорларда айримлар «фол очаман» деган эълонни бўйнига осиб, қўлида карта ёки куш қўндириб туришади-ю, биз ҳам, ҳатто милиция ходими ҳам кўриб кўрмасликка оламиз. Буларнинг барчасининг ортида лоқайдлик, сен менга тегма қабилида иш тутиш ётгани, жамоатчилик назоратидек институтга ҳалигача эришолмаётганимизни қачон англаймиз?! Ахир, фолбинлар ва уларга ишонган кимсаларнинг касофатига не-не оилалар пароканда, фарзандлар етим, дўстлар, қариндошлар юзқўрмас бўлиб кетмоқда! Бунинг олдини олишнинг ягона йўли ҳам унга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашишдир.

З. КАМОЛОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек
туман суди судьяси

Н. ЭЛМИРЗАЕВА,
журналист

ЖАЗО МУДДАТИ ЭМАС, УНИ ҚАНДАЙ ЎТАШ МУҲИМ...

Яқин-яқинларгача номига «жиноятчи» деган тамға босилган инсонлардан ўзимизни четга тортиб, узокроқ юришга ҳаракат қилардик. Бундай қисматга дучор бўлган кишилар, хусусан аёлларнинг ортида фарзандлари, турмуш ўртоғи, яқинларининг ҳам тақдири борлиги билан ҳеч ким қизиқмайди. Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кечиримлилик, бағрикенглик сиёсати туфайли бундай тақдирли кишиларга муносабатимиз, қарашларимиз ўзгарди. Жазо муддатини ўтаб қайтган ҳамюртларимиз ҳаёти билан қизиқа бошладик. Мухбиримиз ана шундай маҳкума аёллар билан суҳбатлашди, уларнинг ҳаёти, муаммолари билан қизиқди.

ХУДБИНЛИГИМ САБАБЧИ БЎЛГАН

— Аслида бу кўргуликларга худбинлигим сабабчи бўлган, — дейди Сабоҳат Нурова (матндаги барча исм-фамилиялар ўзгартирилган). — Турмуш ўртоғим оламдан ўтгач, бошқа оила қуришни, қизимни ўғай отага сарғайтиришни истамадим. Уни ёлғиз тарбияладим. Турмушга узатиб, неварали бўлдим. Аммо, бола касаллик билан дунёга келди. Неварамни даволатиш учун имкони борича ҳаракат қилдим. Кўпроқ пул топиш мақсадида бозор атрофида ноқонуний равишда валюта айирбошлаш билан шуғуллана бошладим. Неварамни операция қилдириш учун яшаб турган икки хонали уйимни сотиб, ижара уйига кўчиб ўтдик. Уни албатта оёққа турғазаман, қанча пул керак бўлса, топаман, деб ишонардим. Шифокорлар операциянинг фойдаси йўқлигини тушунтиришганида бор-будимдан айрилиб бўлгандим. Ижара уйнинг ҳақини тўлаш, дори-дармонларга пул топиш мақсадида сохта доллар сотишдек қабих ишга араллашиб қолдим. Ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олиниб, 10 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилдим.

3 йилдан сўнг Зангиота туманидаги жазони ўташ муассасасидан меҳнат колониясига ўтказишди. Тўсатдан бетоб бўлиб, инсультга чалиндим. 8 йил ўтириб, 2017 йил 31 августда озодликка чиқдим. Касаллигимни, яхши меҳнат қилганим, ижобий хулқимни инобатга олиб муддатидан олдин озод қилишди. Уёғда 2 йилу 4 ой қолди. У ердаги ходимлар учун маҳкумларга бериладиган жазо муддати эмас, уни қандай ўташ муҳим. Шу боис, муассасада ўтказиладиган турли тадбирларда фаол иштирок этдим. Фабрикада ишлаб, меҳнат қилишдан қочмадим. Тикувчилик сирларини ҳам ўрганиб олдим.

ХАТОИМНИ ҚИЗИМ ТАКРОРЛАДИ

Неварамни ногиронлик уйига бердик. Мен муассасада юрган пайтларим қизим Қозоғистонга ишлагани кетган. У ерда фоҳишабозлик қиладиган хотин-қизларнинг хизматини қилиб юрган. Юртимизга келган вақтда ўзбекистонлик бир қиз қўнғироқ қилиб, ўша ёққа ишлашга олиб кетишини илтимос қилган. Қизим унга олиб кетолмаслигини, аммо чегарадан яширин йўллар орқали чиқиб кетиши мумкинлигини айтган. Айланма йўллар орқали бориб, Рафиқ деган эркакка учрашасан, у ёқда Айжамал деган қиз кутиб олади. Бир кун ўзингга, бир кун ўша қизга ишлайсан, деган. Унинг телефон рақамидан шубҳали шахслигини аниқлаб, қўлга олишган. Одам савдоси жиноятини содир этиш жазоси билан 6 йилга озодликдан маҳрум этилди. Муассасада ўтирганига 3 йилу 10 ой бўлди. Ўзим-ку майли, қизимни ҳам жувонмарг қилдим. Йўқчиликка чидаш осон, бошпананг бўлмаса, қийин экан. Ҳозир опамникида яшаяпман.

Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам яшаш учун бошпанам йўқ. Неварам яқинда 16 ёшга тўлади. Уни ногиронлар уйидан олиб чиқишим керак. Қизим ҳам у ёқдан қайтса, қаерга борамиз? Маҳалла фаоллари уй-жой сўраб ҳокимиятга мурожаат қилишимни айтишди. Тўғри, бизга ҳам янги қурилаётган уйлардан беришлари мумкин. Аммо, уларнинг ҳам бошланғич бадал тўловлари бор. Ўша бадални тўлаш учун менда маблағ йўқ. Қизим қайтгунича бошпана топиб қўймасам бўлмайди. Опам ўғилларини уйлантирса, уларга уй-жой йўқ. Ахир, янги келин-куёвнинг орасида қоработир бўлиб яшолмайман-ку.

Шунинг учун Туркияга бориб, энагалик қилсам ёки бирорта фабрикага кириб ишласамми, деб ўйлаб юрибман. Ҳозирча фақат қора қозонни қайнатишга етадиган маблағ топаяпман. Қўлимда ошпазлик ҳунари бор. Бир-иккита ошхона ҳамда кафеларга иш сўраб боргандим, ёшим катталигини ҳисобга олиб қайтариб юборишди. 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган хотин-қизларни ишга олишар экан. Олма пиш, оғзимга туш, деган билан иш битмайди. Ҳаракат қилишим керак. Яна миямда турли хаёллар. Шу боис, хорижга кетишни ҳам, кетмасликни ҳам билмай, бошим қотиб турибди.

«МЕНИ ҚАРА, КЎП ПУЛ ТОПАМАН»

— Бир неча йиллардан буён матбуот дўконида сотувчи бўлиб ишлайман, — дейди Ҳалима опа. — Маошга қаноат қилиб яшайман. Мендан катта опам, беш йил олдин жазони ўташ муассасасида бўлиб қайтди. Шифохонада кадрлар бўйича мутахассис бўлиб ишларди. Ҳамшираларни ишга жойлаштириш учун пора сифатида пул оларди. Ўша кезлари унинг ошиғи олчи, қўлида пул ўйнардди. Бир куни менга, «Шу ишингни қўйсанг-чи, газета сотиб ўтирасанми, мени қара, кўп пул топаман, ҳамма нарсам етарли», деб мақтаниб қолди. Аммо, қинғир ишнинг қийиғи чиқиб қолиб, камалиб кетди.

Озодликка чиқди, аммо аввалгидек катта гапира олмайди. Менинг ҳаётимга ҳаваси келади. Бир ўғил, бир қизи бор. Иккиси ҳам оилали. Бирок, онасига ўхшаб товламачи. Бир одамдан пул олиб, бошқасига беради. Қушлар уясида кўрганини қияпти-да. Жиянларимни йўлдан қайтаришга уриндим. Онасининг тақдири ҳам уларга сабоқ бўлмапти...

ҲАДИК КЎЗИ БИЛАН ҚАРАЙДИ

*Бу масала тўғрисида психология фанлари номзоди, доцент
О. ОТАЖОНОВА қуйидаги фикрларни билдирди*

Жазо муддатини ўтаб қайтган аёлларнинг баъзилари кўп нарсаларга бефарқ, эътиборсиз бўлиб қолишади. Улар учун ҳаёт тўхтаб қолгандек, атрофдагилардан ўзларини четга олишади. Айримлари содир этган жиноятида бошқаларни айбдор билиб, аламзада бўлиб қолади. Яна бошқа тоифадагилар эса, одамларга ўзларининг ҳақ эканини исботлашга уринадилар. Шу боис, биз уларни қўллаб-қувватлашимиз, аввал қандай яхши кўрган бўлсак, худди шундай яхши кўришимизни исботлашимиз зарур. Тўғри, баъзилари билиб, кўриб айримлар эса тушуниб-тушунмай хато қилиб қўйишади. Айбларини юзига солмасдан, бу ҳам тақдирнинг синови эканини тушунтиришимиз керак. Ҳаётга нисбатан умид, ишонч уйғотиб, ўтмишини унутишига ёрдам беришимиз лозим. Маҳкумларнинг айримларини кузатаман. Муассасадан қайтгач, бутунлай ўзгариб, ҳаётда ўз ўрнини топишга интиладиганлари кўп. Аммо, тушқунликка тушиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолганлари ҳам бор. Атрофдаги одамларга ҳадик кўзи билан қарайди. Ҳаётда ўз ўрнини яна қайта топишига, севган касбини давом эттиришига кўмаклашишимиз шарт, деб биламан.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида аёллар томонидан содир этилган 436 та жиноятларнинг аксарияти оилавий келишмовчиликлар оқибатида келиб чиққанини таъкидлаб ўтди. Маҳалла вакиллари, профилактика инспекторлари ўз ҳудудларида уйма-уй юрдик, оилалардаги аҳволни ўргандик, деб ҳисобот беришади-ю, лекин таҳлиллар ҳақиқий вазиятдан уларнинг деярли хабари йўқлигини билдирмоқда. Демак, эътиборимизни сохта ҳисоботлар ёзишга эмас, муаммоларни бартараф этишга қаратишимиз зарур. Нотўғри йўлдан кетаётган одамга жиноят содир этма, тўғри юр, деб маслаҳат бериш осон. Аммо, жиноят содир этмасликнинг йўлларини кўрсатиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун маҳалла фаоллари, ички ишлар органи ходимлари, жамоатчиликдан фидойилик ҳамда жонбозлик талаб этилади.

Н. РАҲМОНОВА,
журналист

НАВРЎЗ – ЮНЕСКО

ТОМОНИДАН ИНСОНИЯТНИНГ НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСИГА КИРИТИЛГАН

Миллат учун энг муҳим моддий ва маънавий бойлик бу — миллий қадриятлардир. Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ миллий қадриятларга катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Наврўз умумхалқ байрами сифатида ҳар йили шаҳару қишлоқларда сайл тарзида кенг нишонланмоқда.

Наврўз – миллий қадрият, маънавий бойликлардан биридир. Шамсия (Қуёш) ҳисобида йилнинг биринчи куни бўлиб, баҳор фаслининг тун ва куннинг тенглигига, яъни 21-22 мартга тўғри келиши манбаларда қайд этилган. Мазкур тарихий манбаларга қараганда, Наврўзни байрам қилиб ўтказиш Аҳамонийлар даври (милоддан аввалги 5-6 асрлар) дан бошланган. Ушбу байрам 6 кун давом этиб, кўчалар обод қилинган, ҳашарлар уюштирилган. Ҳозирдагидек, Наврўзга атаб ёшлар янги кийимлар кийганлар, қарияларга эса саруполар тайёрланган. Бу байрамнинг энг гўзал ва фойдали жиҳатларидан бири – илик узилганда инсон соғлиғига керак бўлган витаминларга бой таомлар: сумалак, турли кўкатлардан сомсалар пиширилади. Ҳар бир вилоятда ушбу байрам ўзгача нишонланади. Масалан, Сурхон воҳасида оммавий ўйинлардан бири – «кўпкари» мусобақалари ташкиллаштирилади. Пойтахтимиз боғларида сайллар, ёзувчи ва санаъткорларнинг чиқишлари уюштирилиб, ёру биродарларникига меҳмонга бориш анъанага кирган. Наврўз кунлари гина-кудуратлар унутулиб, кишилар яхшиликка интиладилар, етим-есирларга ва ногиронларга ёрдам бериб, марҳумлар қабрларини зиёрат қилиб, тартибга соладилар.

Маданий меросимиз — Наврўз 2016 йилда Эфиопияда ЮНЕСКО томонидан ўтказилган номоддий маданий меросни асраш бўйича ҳукуматлараро Қўмитанинг XI сессиясида номоддий маданий мерослар рўйхатига киритилди. Қадриятларимизнинг жаҳон миқёсида тан олинishi кишида ғурур ҳиссини уйғотади.

Ҳукуматимиз томонидан «2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» 2018 йил 23 февралда Қарор қабул қилинди. Мазкур Қарорда байрамни ҳар йилгидек юксак савияда нишонлаш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Бу эса, миллий қадриятимизга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборнинг ифодасидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мустақиллик туфайли биз барча миллий анъана ва қадриятларимизни тўла тикладик. Натижада ёш авлод руҳида бу қадриятларни қадрлаш, эъзозлаш каби тушунчалар шаклланди. Жумладан, номоддий меросимиз бўлган Наврўз – янги кун байрами янада бойитилиб, жамиятимизнинг барча жабҳаларига эзгулик, файз-барака уруғини сепди.

С. СОДИҚОВА

НАВРЎЗ

Наврўз, яна келдинг бағринг тўлдириб,
Тириклик бахи этиб, еру самога.
Лолалар юзига табассум тилаб,
Боғларни буркадинг наиғу-навога.

Сен билан бир ширин саболар келди,
Наврўзий неъматлар тортиб элларга.
Ночор новдаларга гунчалар қадаб,
Меҳнат завқин бердинг деҳқон белларга.

Мен сени кутаман ҳар йил интизор,
Сен келсанг чўллар ҳам бўлгай чаманзор.
Елкасидан қоқиб оғир музларни,
Тогларнинг кўксида кўринар виқор.

Наврўз, навбаҳорим, кўклам элчиси,
Ҳуши келдинг, қучоғинг гулларга тўлсин.
Офтоби мунаввар, осмони тиниқ,
Юртим, Наврўзларинг муборак бўлсин!

САЖДА

Оймомо осмонда она тимсоли,
Юлдузлар нигоҳи дилдаги борим.
Дунёни асраган имдод мисоли,
Бешик тебратади онаизорим.

Болалик чоғимда эркалаб, суюб,
Ойдин оқишларда сочим силардинг.
Ҳатто тушларимда бахтимни сўраб,
Кафтингни тўлдириб дуо қилардинг.

Шўкурким, ушбу кун меҳрингла шодман,
Бахтиёр дамларнинг шўх ялласидан.
Аслида эзулик рўйи заминда,
Яралмиш оналар қалб алласидан.

Онажон, меҳрингга қалбимни тутиб,
Ҳар битта сўзингни ҳикмат деб билгум.
Бебаҳо қўлларинг кўзимга суртиб,
Табаррук пойингга саждалар қилгум.

СОҒИНДИМ...

Соғиндим, Онажон
Сўлим боғларни,
Шовуллаган сойлар
Боқий тоғларни.

Иккимизга сирдош
Тунги юлдузлар,
Тонгги шабнамларни
Соғиндим, Она!

Дўсту дилдошларим
Соғиндим яна,

Тушларимга кирар
Масъуд болалик.

Сирли оқишларда
Завқлар улашган
Кўзги ёмғирларни
Соғиндим, Она!

Қишлоқ ҳавосини
Соғиндим яна,
Қушлар навосини
Соғиндим яна.

Булоқ бошидаги
Мажнунтолларнинг
Дилга давосини
Соғиндим, Она!

Ўздан узоқлашиб
Оғриндим яна,
Иссиқ бағрингизни
Соғиндим, Она!

Шоира ҲАСАН қизи

«Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби»

(Амалий қўлланма)



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига асосан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 3-моддасига кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб иқтисодий судга ушбу Кодексда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Ўз бузилган ҳақ-ҳуқуқини қонуний ҳимоя қила олиш фуқаролар, давлат органлари, ташкилотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари учун муайян билим ва кўникмалар мавжуд бўлишини талаб этади. Бунга эришиш эса улар учун энг қадрли бўлган вақти ва маблағининг тежалишига олиб келади, ортиқча оворагарчиликларга барҳам беради.

Иқтисодий судларга мурожаат қилиш, уларни судда кўриб чиқишда иштирок этиш билан боғлиқ муҳим қоидалар ақс этган Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси ҳамда суд фаолияти билан бевосита боғлиқ бошқа процессуал қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини кенгрок тушунтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида “Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби” номли амалий қўлланма тайёрланиб чоп этирилди.

Мазкур китобда иқтисодиёт соҳасида фуқаролар, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий судлар томонидан кўриладиган низоларнинг турлари, судга ариза ёки даъво аризаси билан мурожаат қилишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, суд қароридан норози бўлган тарафнинг ушбу қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи, ундан қонуний фойдаланишга оид қонуний тартиб-қоидалар, суд қарорларининг ижро этилиши билан боғлиқ ва бошқа шу каби муҳим масалалар оддий тилда, шарҳлар, жадваллар ва изоҳлар орқали ёритиб берилган.

Қўлланма судьялар, суд ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқ соҳасидаги бошқа мутахассислар, талабалар ва иқтисодий процессуал ҳуқуқ институтига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

* * *

«Кўчмас мулк ва мулк ҳуқуқи»

(Амалий қўлланма)



Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади, аввало, инсонларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Мулк ҳимоясига қаратилган бундай чоратадбирларнинг мазмун-моҳияти, мақсади мулк ҳуқуқининг кафолатини таъминлаш ва бу борадаги ҳуқуқий асосни такомиллаштиришгагина эмас, балки фуқароларнинг мулкдор сифатида ўз ҳуқуқларини яхши билишига ва ҳимоя қила олиш қобилиятини шакллантиришга ҳам қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ҳамда БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида республикамиздаги фуқаролик ишлари бўйича судларда мавжуд бўлган айрим иш материаллари ва тегишли маълумотлар асосида “Кўчмас мулк ва мулк ҳуқуқи” амалий қўлланмаси тайёрланиб нашр эттирилди.

Қўлланма 3 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир масала ёритилаётганда китобхонларга қулай ва тушунарли бўлиши учун жадваллар, схемалар, диаграммалар, графикалардан фойдаланилган, суд амалиётидан мисоллар оддий тарзда берилган, мулкни эгаллаш ва уни тасарруф этишга оид шартномалар, судга мурожаат қилишда расмийлаштириладиган даъво аризалари, бошқа хил ҳужжатларнинг намуналари келтирилган.

Мазкур қўлланмани тайёрлашда асосий эътибор унинг содда ва рагон тилда бўлишини таъминлашга, қонун талабларини оддий фуқаролар учун тушунарли тарзда шарҳлашга қаратилган.

Китоб фуқаролар, ташкилотлар ва давлат органларининг вакиллари, шу жумладан, судьялар ва суд ходимларининг мулкий муносабатларга оид амалдаги қонунчиликни пухта ўзлаштириш, ҳар қандай мол-мулк, айниқса, кўчмас мулк билан боғлиқ ҳақ-ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш бўйича билим савиясини оширишда яқин ҳуқуқий маслаҳатчи бўлиши шубҳасиздир.

Ж. БАДАЛОВ

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаси қандай тартибда ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтарилади?



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш тартиби тўғрисида»»ги Низомнинг 15-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 91-моддасига мувофиқ ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.

* * *

Юридик ва жисмоний шахсларга кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида қандай ҳужжат берилади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2 ва 3-бандларига биноан кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши, шунингдек улар билан боғлиқ битимлар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ҳуқуқ эгасининг илтимосномасига кўра амалга оширилган рўйхатдан ўтказишни ер участкаларига, бинолар ва иншоотларга, кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар бериш йўли билан ёки рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатга устхат ёзиш йўли билан тасдиқлаши шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари ушбу ҳуқуқлар мазкур Низомга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга киради.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмасдан амалга оширилган кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

* * *

Юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари ва у ҳақда тузилган битимлар қайси давлат органидан рўйхатдан ўтказилади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли

қарори билан тасдиқланган «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 7-бандига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини ва у ҳақда тузилган битимларни, ипотека ва ипотека тўғрисидаги шартномаларни кўшган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишни, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари (кейинги ўринларда давлат рўйхатидан ўтказувчи орган деб аталади) амалга оширадилар.

Юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида назарга тутилган кадастр ва рўйхатга олиш хизматларини тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси таркибиде «бир ойна» бўлими ташкил этилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг раҳбари томонидан тайинланадиган масъул шахс томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади.

* * *

Ер участкаларига бўлган қандай ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 19-бандига мувофиқ ер участкаларига бўлган куйидаги ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, деҳқон хўжалиги, жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилган ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи;

юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ва фермер хўжаликлари бундан мустасно) юритиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар учун берилган ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқи;


юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланиш муддатлари кўрсатилмай берилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи;

юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланишнинг муайян муддатини белгилаб берилган ер участкаларидан муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хусусийлаштириб ёки сотиб олинган ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи;

юридик ва жисмоний шахсларга ижарага берилган ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқи.

**Олий суд катта консултанти
С. АСҚАРОВ тайёрлади**

ҲУРМАТЛИ КАМОЛ ИСМОИЛОВИЧ!

Аввало, Сизни қутлуг 60 ёшингиз билан самимий қутлаймиз.

Сизнинг кўп йиллик меҳнат фаолиятингиз ҳуқуқ соҳаси билан чамбарчас боғлиқдир. Айниқса, кейинги 20 йиллик суд тизимидаги, 10 йиллик таҳририятдаги меҳнат фаолиятингиз ушбу тизимда меҳнат қилаётган ёш кадрларга ўрнак бўлса арзийди.

Зеро, бир тизимда узлуксиз ишлаш, муқаддам вилоят, сўнг Олий хўжалик суди судьяси, судлов таркиби раиси бўлишидек шарафли ва масъулиятли йўлни босиб ўтиш ҳаммага ҳам nasib этавермайди. Бундай машаққатли меҳнат йўлларининг синовларидан муваффақиятли ўтиш, авваламбор, ҳар қайси инсондан чуқур билим, катта истеъдод ва маҳорат талаб этади. Сиз эса, ана шундай маҳоратга, ҳурматга сазовор бўлган инсонсиз.

Кўпчилик ҳамкасбларингиз Сизни фидойи, иродали, камтарин, олижаноб ва самимий инсон сифатида эътироф этишади. Доимо ўзгаларга яхшилик қилиб яшайдиган инсон сиймосини Сизда кўриш мумкин. Ана шундай чинакам инсоний хислатларингиз туфайли ҳам ҳаёт деб аталмиш улуг мактабнинг шиддатли сўқмоқларидан ёруғ юз билан ўтиб келмоқдасиз. Сиздаги ушбу хислатлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди «Одил судлов» – «Правосудие» журнали таҳририятига раҳбарлик қилаётган даврингизда ҳам намоён бўлмоқда. Журналнинг фойдали ва қадрли нашр бўлишида толмай меҳнат қилишингизга ишонамиз.

Ҳурматли Камол Исмоилович! Яна бир бор таваллуд айёмингиз билан қутлаб, Сизга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, оилангизга туганмас бахту иқбол, фаолиятингизда янада улкан ютуқлар тилаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди жамоаси**